



Фасодгуйлар

Гуруч курмаксиз бўлмаганидай, фасодгуйларга хайрихоҳлар ҳам йўқ эмас. Эътибор берсангиз, уларнинг кўпчилиги аноним профиллар, эҳтимол, ўша кимсаларнинг гумашталари ёки ўзлари бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз.




ЖАММИЯТ

№ 26-27 (707)
2020 йил
31 июль,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этилади

bor jzt@mail.ru



Юқорида таъкидлаганимиздек, "Youtube" тармоғида айрим блогерлар томонидан ташкилотлар шайнига айтилаётган таъна-дашномлар, ҳақоратомуз сўзлар ҳам бугун чегара билмай қолди. Ким нимани тўғри деб, ҳақ деб, шунини оммага етказишга ҳақлиқ. Аслида, ахборот-технология ҳам маънавий бўлиши мумкин.

НАВРОЗДА ҚОН КЕРАК, ЖОН КЕРАК!

"Нега ташлаб кетдингиз, она?!"

Шарт ўрнидан турди-ю, жажжи жиянларини кўриб келишга отланди. Турмуш ўртоғи ва болалари "эртага борарсиз", дейишса ҳам, "Мени бўри ермиди", деб йўлга тушди...

Лабиринт ичидаги имкониятлар

МАГНИТ БЎРОНИ

Илгари бунақа бўлмаганлиги аниқ. Лекин шу кунларда сайёрамизда аллақандай бошқача магнит бўрони кўтарилаётган эмиш. Ана шунинг таъсирида...



**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИНГ!**

Эндиликда Санитария-эпидемиология хизмати тиббий мажбурият чораси қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.



Коррупция бу тараққийга тўсқинлик қилувчи энг асосий иллат бўлиб, дунё миқёсидаги глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Сўнгги йилларда давлатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, яъни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонун, Ўзбекистон Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунини Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармон билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури шулар жумласидандир.

Давлатимизда коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида илк бор қайд этилган эди. Кейинчалик ушбу фикрлар Давлат дастурида ҳам акс этди. 2020 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши

курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президентнинг фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик олдида коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, коррупциоген ҳолатларга сабаб бўлувчи шароитларни бартараф этиш, коррупцияга қарши самарали тарзда курашиш ва шаффофлик таъминлаш устувор вазифа, деб белгиланди.

Демократик ислохотлар амалга оширилиб, кадрлар қарор топиб бораётган бугунги шароитда давлат хизматчилари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши бошқарув тизимининг бузилишига ёки зарарланишига сабаб бўлади, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказди. Юқори даражадаги коррупция давлатни инқи-

Олий таълимдаги яширин “ўйин” лар

розга олиб келади, давлат ҳокимияти шахсий манфаатларга бўйсундирилгани боис, халқнинг норозилигига сабаб бўлади.

Ҳар бир давлат ижтимоий соҳасининг тараққийи таълим тизимининг, шунинг ичида олий таълим тизимининг мукаммаллашишига боғлиқдир. Бунинг учун эса, олий таълим соҳасида қонун бузилиши ва камчиликларни бартараф этиш, “коррупциясиз соҳа” га айлантириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш энг долзарб муаммоларнинг бири ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолиятдан ташқари қуйидаги йўналишларда ҳам бир қатор коррупциоген ҳолатлар кузатилмоқда:

Олий таълим муассасалари ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тўлиқ ОТМ раҳбарияти томонидан монополлаштирилгани, ОТМ ҳудудида овқатланиш масканлари, канцелярия ва компьютер хизматлари, нашриёт, қўшимча маблағ келтирувчи фаолият юзасидан ижара пулларни шартномада кичик миқдорда кўрсатиш, амалда эса қолган суммани

нақд ҳолатда ўзлаштириш жараёни;

ОТМларни таъмирлаш ва янги бинолар қурилиши учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш, таъмирлаш учун зарур бўлган маҳсулотларни тендер ҳужжатларини сохта-лаштириш, ўзига “қарашли” фирмалар томонидан тендер ютиб олинишини таъминлаш, қурилиш материаллари учун ажратилган маблағларни “таниш” корхоналарга пул кўчириш йўли билан (нархлари оширилган ҳолда) сотиб олиш ва ўртадаги фарқни ҳақ сифатида олиш жараёни;

ОТМларни моддий техник базасини янгилаш мақсадида сотиб олинаётган маҳсулотларни, ОТМ раҳбариятининг яқинлари ва қариндош томонидан асос солинган корхоналардан бир неча баробар қиммат нархларда харид қилиш, техник хизмат кўрсатиш белгиланганидан кўпроқ миқдорда маблағ ажратиш;

ОТМ раҳбарлари ўзларига “яқин” профессор-ўқитувчилар ва ходимларномига пулли мукофот ёзиб, маълум қисмини ўзлаштириш ҳолатлари;

Талабалар турар жойлари-га талабаларни жойлаштириш ҳамда у ердаги ташкилий масалаларга талабалардан қў-

шимча тарзда маблағ йиғиш жараёни.

Келтириб ўтилган муаммолар рўйхати бу билан чекланмайди. Бу каби тизимли муаммолар деярли ҳар бир ОТМ учраб туриши Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги учун ҳам янгилик эмас. Лекин йиллар давомида бу муаммоларни бартараф этилмаганлиги ОТМларнинг асосий вазифаси бўлган сифатли таълим беришига тўсқинлик бермоқда.

Янги тузилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юқоридаги каби муаммоларга ҳам эътибор қаратиб, уларни бартараф этишда ҳар бир ОТМ жамоасининг фикрини яширин тарзда ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўрганиш натижалари очиқ ҳолатда жамоатчиликка ошкор этилсагина бундай салбий ҳолатлар олди олинарди. Зеро, коронавирус пандемияси кўплаб соҳалар каби таълим тизимидаги муаммоларни яққол намоён этиб берди. Бу муаммоларни бугун бартараф этмасак, келажак авлод бизни кечирмайди.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Аёлни қўллаб-қувватлаш энг улуғ савоб

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Ушбу ишлар самарасини янада ошириш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Аммо булар етарли эмас. Бинобарин, ушбу масалалар давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилишида ўртага ташлангани бежиз эмас. Ахир, қайд этилганидек, бугунги кунда юртимиздаги ишсизларнинг 732 минг нафари ёшлар, 834 минг нафари хотин-қизлар экани ҳар бир кишини сергакликка чорлайди.

Айтайлик, ҳозир ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими етарли даражада мукамал эмас. Хотин-қизлар ўртасида бандликка қўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларимиз ҳам самарали ташкил этилмаган. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чоралар самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Хотин-қизларнинг репродук-


қаноти ўз саъй-ҳаракатларини аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига кенг жалб этишда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, жамиятда экологик онг, экологик руҳ ва экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда уларнинг имкониятларини сафарбар этишга эришишни долзарб вазифа, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг маънавий интеллектуал, касбий салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиш, уларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, экологик-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жамоат, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни, уларга ижтимоий ҳаётдан то шахсий оилавий ҳаётгача бўлган барча соҳаларда чинакам тенг ҳуқуқликка эришиш имконини берувчи ҳуқуқ ва имкониятлари тўғрисидаги тушунчалар ҳақидаги билимини ошириш ҳам асосий мақсадлардан саналади. Дастурда, шунингдек, хотин қизларга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалдаги нодавлат но-тижорат ташкилотлар, ҳара-

катлар, уюшмалар, қўмиталар ва бошқаларда иштирокини фаоллаштириш, турмуш сифатини яхшилаш, фуқароларда гендер муносабатларини мустақамлашга эришиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, экологик маданият ва экологик маънавиятни кўтариш масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари йиғилишида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди. Ҳудудларда 20 мингга яқин аёл оғир турмуш шароитида яшаши, шундан кўплари профилактик ҳисобда туриши афсус билан қайд этилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Хотин-қизлар тадбиркорлигига соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш масаласи кўрсатилди. Бундай вазифалар биз, депутатларга катта масъулият юклайди, албатта.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўз вақтида расмийлаштирмаслик жавобгарликка сабаб бўлади.



Лабиринт ичидаги имкониятлар

ёхуд, аввал пул йиғиб,
кейин маош оладиган устозлар

Телевизорда кўп кўрасиз “Фалон миллиард сўм эвазига Ёшлар маркази қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда энди фалон-фалон тўғарақлар фаолиятини олиб бормоқда. Ёшлар касб-хунарларни севиб ўрганмоқдалар!” Шу ерда телевизорни ўчириб, дўппини хонтахтага қўйиб, аччиқ чойдан бир хўплаб, бор вазиятни таҳлил қилиб кўрамыз. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?



Дастлаб, Президент қарори билан бепул ташкил этилиши лозим бўлган марказлар ҳақиқатдан ҳам 2018 йил март ойидан бошлаб бепул ташкил этилди. Республика – вилоят – туман шаклида директор-директор-координатор кўринишида бошқарув йўлга қўйилди. Орадан бир йил ўтиб, туманлардаги тўғарақларни ташкил этадиган, назорат қиладиган координатор штатлари номаълум сабабларга кўра “кесилди”. Туманлардаги тўғарақларни бошқариш вилоят марказлари зиммасида қолди. Аксига олиб, вилоятлардаги штатлар жадвали бирин-кетин “ғойиб” бўла бошлади.

2019 йил Ёшлар иттифоқи тизимида маблағ етмаётгани рўқач қилиниб, Марказий Кенгаш қарори билан август ойидан тўлов тизими жорий қилинди. Шундан буён Ёшлар марказларининг ишида унум қочди. Аввалига талабгорлари анчайин кўп бўлган инглиз, рус, хитой, корейс тили каби тўғарақ раҳбарлари бирин-кетин ўз аризалари билан ишдан кетди. Пешона терини биров билан бўлишгиси келмади. Соддароқ тушунтираман:

Бир штат бирлигида ишлаган тўғарақ раҳбари 12 нафардан 4 та гуруҳга 48 нафар тўғарақ аъзосининг ҳар бирига 22 минг 300 сўмдан тўлов қилиши керак. Жами: 1.070.400 сўм. Тўловни қабул қилиб олган марказ ўз ходимларининг пластик картасига солиқларни чегириб қолиб 860 000 сўм ташлаб беради. Шу тизим ишга тушгач кўпчилик ариза ёзиб жуфтакни ростлаб қолди. Бир

штат бирлигида ишлашнинг нокулайлиги шундан иборатки, масалан, чекка қишлоқдан “Ёш ижодкорлар” тўғарагини очмоқчи бўлсангиз 48 нафар иштирокчи бўлиши шарт. Мактабнинг ўзида 80 нафар ўқувчи бор. Унинг ярмидан кўпини жалб қилиш мумкин бўлмаган воқеалик.

Аъзолик бадали тўланмаган дастлабки бир йиллик даврда ҳам тизим ҳавас қиларлик даражада бўлмаган. Ҳар бир гуруҳга 20 нафардан 25 нафаргача аъзо жалб қилиш мажбурияти юклаб қўйилди. Битта тўғарақ раҳбарига 80 нафардан 100 нафаргача ўқувчи. Сифат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Тўғарақда 10 нафардан ортиқ ёш борми, сифат ортга чекинади. Яқинда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши яна бир ҳужжат имзолади. Унга кўра, энди вилоят Ёшлар марказида фақат директор ва ҳисобчи қолади. Тўғарақ раҳбарлари топган пулдан ортириб уларга ойлик маош тайинланади. Ана томоша! Ўз-ўзидан саволлар пайдо бўлади?

Нима учун бепул ташкил этилиши белгилаб қўйилган Ёшлар маркази бир йилдан кейин ПУЛЛИККА ўтиб кетди? Иккинчидан, пуллик тизим асосли бўлган тақдирда нима учун иттифоқ тўғарақ раҳбарларига шароит яратиб бермади. Аксарият тўғарақлар таълим муассаларида ташкил этилганини ва унда айрим директорлар “Буджетдан ташқари пул топиш”ни рўқач қилиб,

ижара ҳақи сўраганда марказ ёки иттифоқ тўғарақ раҳбарларига елкадош бўлмади? Битта доска ёки бўр бермаган иттифоқнинг пул ундиришга маънан ҳақи борми? Қашшоқликка курашишга қасд қилган эканмиз, шу марказлар орқали ишни тўловсиз амалга оширсак бўлмайми?

Давлат бюджетининг миллиард-миллиард маблағига қурилган Ёшлар марказлари қачон ҳақиқий маънода Ёшлар марказларига айланади? Яъни амалдорларнинг мажлиснасидан тортиб, иттифоқнинг оддий ишхонасидан ёшларнинг сеvimли гўшасига айланиши учун яна қанча вақт керак? Ахир, қон-қонимизга сингиб кетди-ку, қаерда чиройли бино бўлса, ўша ерда мажлис қиламиз.

Бор нарсани мукамаллаштирмасдан, тўлдирмасдан янги тизимлар ўйлаб топаверамиз. Яқинда бўлиб ўтган

бежирим ва чиройли, аммо ичи бўм-бўш. Ускуналарни ўрнаттиш лозим. Мутахассис тайёр. Иш жадал бошланади.

Чумчуқнинг тилидай ойлик маош бериб, мутахассис йўқ деб жар солаверамиз? Балки машғулот ўтувчилар ҳақида ҳам озроқ қайғуриб қўйишимиз азурдир. Мақоми, фаолияти, тажриба ошириши, ўқув-услубий кўлланмаси, маоши, ижтимоий ҳимояси, имтиёз ва ҳоказолар... Нима сабабдан касб-хунар ўрганишни савдо билан боғлаб кетиш тизими йўқ. Масалан, Марказда “пайвандчилар” тўғараги бор. Устози бошчилигида улар кичик иссиқхоналар ясади. Дейлик, 1 сотихлик иссиқхона кимгадир қуриб берилиши керак. Ўшани марказдаги устоз ва шогирдлари қуриб берса, фойданинг маълум бир қисмини уларга йўналтириш орқали ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлдириш имкониятини беради. Нима учун биздаги тизимлар ярмида узилиб қолади?

Давлат бюджетининг миллиард-миллиард маблағига қурилган Ёшлар марказлари қачон ҳақиқий маънода Ёшлар марказларига айланади?

Президент бошчилигида йиғилишда ёшларнинг касб-хунар ўрганиш масаласи яна кун тартибига кўтарилди. Қўшимча 200 миллиард йўналтириш кўзда тутилди. Ўйлаб кўрсак, шу маблағга бутун республика бўйича марказ қурсак саноқли бўлади. Кўп вақт олади. Мавжуд марказларни асбоб-ускуна, техникага тўлдирсак, кенг кўламли ишни бир ҳафтанинг ўзидаёқ бошлаш мумкин. Чунки ҳашаматли марказларимиз

Аслини олганда саволлар тугамайди. Таклифлар ҳам. Пухта ўйланмаган ва яратилмаган тизим узоққа бормайди. Шунинг учун Республика Ёшлар маркази инқироз ёқасида. Янги ташкил этилган Ёшлар ишлари агентлигининг олдида ушбу тизимни нафақат сақлаб қолиш, балки ривожлантириш вазифаси ҳам турибди. Ёшларнинг бўш вақти – душманнинг иш вақти! Шу нақлни унутмайлик!

Бекназар ҚОРАЖОНОВ,
Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбари жорий йил январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий мажлисида, Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлиси ҳамда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида парламент аъзолари, хусусан, Қонунчилик палатаси олдида турган устувор йўналишларга тўхталиб, бир қатор таклиф ва тавсияларини илгари сурган эди.

Кўмитамиз парламентнинг асосий функцияси — қонун ижодкорлиги йўналишида фаол иш олиб борди. Ўтган олти ойда 3 та қонун лойиҳаси тайёрланди.

Нималарга эришилди, энди нима қиламиз?

Янги таҳрирдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Айни вақтда Оила кодексига “кўп болали оила” тушунчасини алоҳида модда билан киритиш ва қонунчилик нормаларини шу модда билан бирхиллаштириш кўзда тутилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси устида ишланмоқда.

Президентимизнинг “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарорининг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини ўрганиш яқунларига бағишланган кен-

гайтирилган видеоконференция йиғилишида тегишли вазирлик ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият вакиллари маълумот берди. Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорлари ўринбосари Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳолати, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қизиқтирган саволларга ва қийнаётган муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш масалалари кўмита томонидан доимий назоратга олинган. Ўтган даврда кўмитага жами 316 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилган. Алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги пайтларда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар кўпайган. Бу эса фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунларга қизиқиши ортиб бораётганини кўрсата-

ди. Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи давомида аҳолидан 59 та таклифлар келиб тушди.

Кўмитамиз аъзолари томонидан давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига жорий йилнинг 6 ойида жами 17 та депутат сўрови юборилган. Депутат сўрови орқали ҳудудлардаги айрим муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига эришилган. Мисол учун, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Кичик Тағоб қишлоғида жойлашган 6-умумий ўрта таълим мактабининг реконструкция қилиниши масаласида халқ таълими вазирига юборилган сўров ва Фарғона вилояти ҳокимлигига қилинган мурожаат натижасида муаммо ижобий ҳал этилган. Ҳозирда мактабда реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Сайловчилар билан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан унумли фойдаланиб, масофавий ишлашни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Бу-


нинг самараси ўлароқ, ҳисобот даврида кўмита депутатларидан 12 нафари ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда онлайн мулоқотлар асосида сайловчилардан 50 дан зиёд мурожаатларни қабул қилди. Улардан 31 таси ўрнатилган тартибда ҳал этилди, 19 тасини ҳал қилиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Умуман айтганда, зиммамизда бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Ҳозирги пандемия даврида аҳолининг ишсиз қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фаолияти тўхтаб турган кичик бизнес, айниқса, хизмат кўрсатиш субъектларининг давлат томонидан берилаётган имтиёزلардан фойдаланишини таъминлаш, аҳоли бандлигини кафолатлаш йўналишидаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўта долзарб бўлиб турибди. Шу боис масъулиятни янада чуқур ҳис этган ҳолда, бирдамликда фаол саясий-ҳаракат олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси



Ушбу кўш саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкил этилди.

Шов-шувга нега бунчалар ўчмиз?

“Уч маротаба ҳажга бориб-келган олтмиш ёшли ҳожидан икки метрлик девордан ошиб ўтиб қўш-нисининг қизига тажовуз қилди. Шовқиндан уйғониб кетган қизнинг онаси ёрдамга шошилди. Лекин зўравон шўрлик онани бир чеккага итқитиб ташлаб, нафсини қондиришга муваффақ бўлди!”

Ижтимоий тармоқда кенг тарқалган мазкур хабар дарров муҳокама марказига айланди. Ҳатто хориж радиолари ҳам бу ҳақда дўмбира чалди. Биров ундоқ деди, биров бундоқ. Кўпнинг оғзига элак тутиб бўлмас! Ҳатто бир опаконимиз истеъфодаги милиция полковниги эканини, бу воқеага ҳолис адвокатлик қилиши мумкинлигига эътибор берди.

Ачинарлиси, кейинчалик фирт ёлғонлиги исботланган бу хабарнинг батафсил тафсилотларини дунёга ногора чалганлар ёки шов-шув деса, ўзини жардан ташлайдиганларнинг бирортаси нега шарҳламади? Олтмиш яшар чол қандай қилиб баланд девордан ошиб ўтди, бир ўзи икки кишига қандай бас келди-ю, нафсини қондиришга улгурди экан? Нима, у кўзи қонга тўлган ашаддий жиноятчи ёки жоловини йўқотган навқирон йигитмиди? Бир ёқда у кишининг муқаддас ибодатларни адо этиб келганлигига ҳам алоҳида урғу берилмапти. Демак, бир гапи борки!.. Йўқ, бу ҳақда ҳеч ким савол ташламади.

Инсон онгу тафаккури, дунёқароши ўзгаришида тарғибот-ташвиқотнинг ўрни нечоғлик муҳим эканини изоҳлаш шарт эмас. Йиллар давомида тартибли-тартибсиз тарғиботнинг усул-усуллари ривожлангани сари уни оммага етказиш воситалари ҳам кўпайиб борапти. Китоб, газета-журнал, радио-телевидение қаторига интернет, ижтимоий тармоқларнинг қўшилиб, ҳатто бир қадар илгарилар кетаётгани фикримиз исботи. Айниқса, бугун одамлар шу даражага етдики, ухласа ҳам, уйғонса ҳам, ёнида телефон, планшет ва ҳоказо...

Анъанавий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳар бир хабар, фикр-мулоҳаза ёки муносабат ортида ким турганини излашга ҳожат йўқ. Чунки таомилга кўра, шу маълумотларнинг рости ёлғонлигига жавобгарликни зиммасига олган муаллиф исми-ша-

рифи ошкора бўй кўрсатиб туради. Бу эса табиийки, хабар бериш ва олиш хавфсизлигини муайян даражада таъминлайди, шунингдек, одоб ва ахлоқ қоидаларидан четга чиқишга изн бермайди.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар, айниқса, facebookда дўстлар ва гуруҳлар ўртасида турфа мавзуларда ўзаро фикр алмашиш, баҳс-мунозаралар сезиларли даражада кучайди. Буни бир қарашда ижобий ҳолат деб ҳам баҳолаш

ларида миллий ижтимоий муаммоларимиздан бири бўлган қайнона-келин муносабатларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилишгани бежиз эмас. Хорижлик экани яққол сезилиб турган “ташаббускор”лар рус тилида “Келинкалар куёв оиласининг хизматкори эмас!” (Невеста — келинка) деган мазмундаги шиорни ўртага ташлашган.

Афсуски, айнан ана шу шиор “шарофати” билан баъзи юртдошларимиз парда ортида-

кетишди. “Инсониятга дину диёнат, иймон-эътиқод ҳеч нарса бермайди”, “Худо — осмондаги бобой”, “Дунё худосизларнинг қўлида, жаҳоннинг энг буюк кашфиётчилари, энг бой сармоядорлари эътиқодсиз кишилардир”, “Бизнинг йўриғимиз ёқмас, интернетдан фойдаланманглар, буюм худосизларнинг ихтиросидир” деган турли мазмундаги тутуруқсиз маломатларини ҳатто ёзишга иймонли одамнинг журъати етмайди.

Шахсан мен чидаб туролмадим ва шу ондаёқ бу бетайин кимсанинг иддаоларига қарши ўз муносабатимни билдирдим. Гарчанд баъзилар очиқ-ошкора таҳдидларни “Энди ҳамма кўнглидагини айтишга ҳақли.

Нишонга олинган ЭЪТИҚОД

мумкин: жамоатчилик фикрининг шаклланиши ўз-ўзидан жамоатчилик назорати функциясини ҳаётга татбиқ этишга олиб келади. Лекин айрим “дўстлар”нинг, фикр берувчининг номаълумлиги, яъни анонимлиги бир қатор муаммоларга йўл очаётгани хавотирлидир.

Очиқроқ айтадиган бўлсак, бу каби кўнгилсиз ҳолатлар галамис гуруҳлар тегирмонига сув қуяётганини ҳамма ҳам бирданига фаҳмлайвермайди. Эътибор берилса, аввал фалоллардан бири ўзи мансуб гуруҳнинг ғаразли мақсадларини ифода этадиган муайян мавзунини кенг жамоатчилик муҳокамасига ташлайди. Яширин ном остида буни кузатиб турган бошқа қўллаб-қувватловчилар фурсатдан фойдаланиб, дарров тегишли изоҳлари ёрдамида одамларни асл воқеликдан чалғитиб, ўзларининг қабих ниятлари сари етаклаб кетадилар.

“Менинг танам — менинг молим”

Буниси энди ошиб тушди-ёв. Яқинда ижтимоий тармоқларда турли мазмунда шиорлар кўтариб олган ярим-яланғоч қизларнинг суратлари пайдо бўлди. Нафсиларини айтганда, коса тагида яширинган нимкоса “тарғибот”нинг дунё жамоатчилиги учун янгилик жиҳати йўқ аслида. Тўқликка шўхлик қилиб юрган қиз-жувонларнинг “Менинг танам — менинг молим”, “Жинсий эҳтиёжимни ўзим хоҳлагандай қондиришни истайман”, “Аёл — инкубатор эмас” деган ноинсоний талаблари аллақачон баъзи давлатларнинг ҳаёт тарзига айланиб улгурган. Нафсини жиловлай олмаётган бузғунчилар эса ўша ҳудудлар билан чекланиб қолмайди, албатта.

Улар дунёни батамом “забт этиш” учун турли давлатларда бундай пухта ўйланган тизимли хуружларини тез-тез уюштириб туришлари табиий. Куласизми, куясизми, улар айнан ўзбекистонликлар эътиборига ҳавола этаётган чиқиш-



Афсуски, айнан ана шу шиор “шарофати” билан баъзи юртдошларимиз парда ортидаги сирни англаб-англамай, битта-иккита бартараф этилиши лозим бўлган салбий ҳолатлар сабаб барча дилбандларимиз гўё тутқинликда қолаётгандек, шоша-пиша “Қизларимизга эркинлик бериш керак” деган мазмунда мулоҳазалар билдиришга ҳам улгуришди.

Гийбат қилманглар, гуноҳ бўлади” деб хаспўшлашга уринган бўлсалар-да, аксарият ватандошларимизнинг бу нозик мавзуга жиддий ва айни пайтда холисона ёндашуви, таҳлили, наслу насаби номаълум кимсаларга берган панд-насихатлари кўнглимни анча кўтарди.

Фақат шу ўринда динимиз жонкуярлари — таниқли уламоларимиздан “Эътиқодга очиқ-ошкора хуруж қилинганда жимгина четга чиқиб туриш иймон султанидан далолат” экани хусусида маълумот ва изоҳлар кутганим ҳам айни ҳақиқат. Ахир, ислом дини, қолаверса, эътиқод борасидаги мунозараларга соҳа билимдонлари хулоса берса, муносабат билдирса, нур устига аъло нур бўларди-да!..

“Осмондаги бобой”... тавбага шошилмасизми?

Албатта, бундай терс натижани кутмаган қора кучлар ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Улар юзага келган қалтис вазиятни чуқур таҳлил қилишган шекилли, бу сафар facebookда “Кўринмас одам” дея рўйхатдан ўтган худобахабар кимса номидан яшаш тарзимиз, динимиз ва эътиқодимизга қарши тош отишга киришиб

“Беминнат устоз” керакми?

Сир эмас, узоқ йиллик истибод даври тазйиқ ва тақиқларидан сўнг, истиқлол шарофати билан юртимизда ислом дини ва диний-маърифий меросимизни ўрганишга рағбат пайдо бўлди, соҳага оид кўплаб китоблар, рисола ва қўлланмалар чоп этилди. Бироқ диний билимларга қизиққанлар фақат юртимиз ва дунё уламоларининг йиллар

синовидан ўтган соф исломий асарларидан фойдаланган ҳолда маънавий эҳтиёжларини қондириб келмоқдалар, десак, янгилишамиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу борадаги катта-кичик хуруж, туҳматлар доирасида “беминнат устозлик”ни касб қилиб олган ҳожатбарорлар ҳам анчагина. Ижтимоий тармоқдаги “Инжилни ўрганамиз” саҳифасини ана шундай хизматлардан бири дейишимиз мумкин. Ачинарли жиҳати, ўзини зиёлиман, ижодкорман, деб юрган айрим биродарларимиз асл таълимот бир четда қолиб, шу сингари “муаллимлар”дан савод чиқаришга сир эмас. Бунинг асорати уларнинг дунёни англаш ҳақидаги мулоҳазаларида, шеър ва ҳикоя деб тақдим этаётган машқларида кузатилаётгани ташвишли.


Одийгина поклик — таҳорат, намоз ва илк зарурий масалалардан беҳабар кимсаларнинг тасаввуф борасида фикр юритиши, Умар Хайём, Машраб ижодини таҳлил қилиши, юмшоқроқ айтганда, шаккокликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам бу мавзуда қилни қирқ ёрадиган зукко, илмли, элу юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган уламоларимизнинг шарҳлари ниҳоятда муҳим.

Халқимиз ўзининг узоқ ўтмишида жуда кўп босқинларни бошдан кечирган. Баъзан ўта ишонувчанлиги, соддалиги боис озодликдан маҳрум бўлишдек беаёв товонлар тўлашига ҳам тўғри келган. Лекин ҳар сафар дину диёнатини, эътиқодини кўнглида чўгдек асраб-авайлаб ёвузларга қарши курашган, алаалоқибат минг-минглаб қурбонлар эвазига эркини яна ўз қўлига олишга муваффақ бўлган.

Виртуал олам босқинчилари эса бу дафъа бизнинг энг муқаддас бойлигимиз — эътиқодимизни нишонга олган кўринади. Шу боис юртдошларимиз онгу шуурини юқумли касалликдек ишғол этишга сафарбар этилаётган манфур тарғиботларга қарши курашда бевосита диний соҳа ходимлари, имом-хатибларимиз масъулиятини янада ошириш лозим.

Улар ўзлари фаолият олиб бораётган шаҳар ва туман ҳокимликлари матбуот хизматлари билан ҳамкорликда халқимизни, айниқса, ёшларимизни кўринмас кучларнинг маккорона фитналаридан, ботил маълумот ва хабарларидан огоҳ этиб турсалар, аминмизки, ёт гоё ва пуч даъволарга нисбатан мустаҳкам ҳимоя қобиғи яратилади. Шунда биз ҳам асрлар мобайнида шакланган эътиқодимиз, миллий-маънавий меросимиз, ҳаётбахш қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни ўрганамиз. Зеро, фаросат ва огоҳлик мўминлик сифатларидандир.

**Сирождин РАУФ,
“Шарқ юлдузи” ва
“Звезда Востока”
журналилари
бош муҳаррири, шоир**



Банк қарз олувчининг, гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламаслиги лозим.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов: “Пичоқ – ошпаз қўлида иш қуроли, қотил қўлида ўлим қуроли” дея лутф қилган эди. Чиндан ҳам, қўли гул ошпаз пичоқ ёрдамида минг хил мазали таомлар тайёрлаб, одамларни хушнуд қилса, нобакор кимсалар у билан ўзгалар жонига қасд қилиши, бировларнинг ширин ҳаётини барбод этиши мумкин.

Кўпинча интернет ҳақида гап кетганда устоз адибнинг ана шу ибратли гапи ёдимга тушади. Чунки кимлардир ушбу глобал ахборот тармоғидан эл-юртга фойдаси тегадиган эзгу мақсадлар йўлида фойдаланса, баъзи кимсалар уни фиску фужур, тухмат ва игво майдонига айлантиришга уринади. Одамлар орасида ўринсиз ваҳима, асоссиз миш-мишлар тарқатишга тиришади...

Афсуски, инсониятнинг интернет деб аталмиш буюк кашфиёти бугун пичоқ каби яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилмоқда.

Интернетдаги турли ижтимоий тармоқларни кузатар эканман, негадир баъзи инсонлар ҳаётимизнинг яхши томонларини, мамлакатимизда юз берётган ижобий ўзгаришларни кўришни истамаётгандай туюлади. Улар кун бўйи “ахборот тарқатиш” даъвоси билан халқ орасида фитна ёйиш, фасод уруғини сепиш билан андармон бўлишмоқда. Бундай шахсларнинг интернет саҳифаларига жойлаётган фикр-мулоҳазаларини ўқисангиз, кайфиятингиз тушиб, юрагингиз сиқилади. Чунки улар юзта яхши ишингиз қолиб, битта-яримта арзимас камчилигингизни бутун дунёга дўмбира қилишдан орланмайди. Ватандошингиз, тилдош ва миллатдошингиз бўла туриб, сизни, мени, ўз юртини дунё ҳамжамияти олдида беобрў қилишдан тап тортмайди. Шунинг ортидан бола-чақасини боқади, қорнини тўйдирди. Улуғ шоиримиз айтганидек, улар “тунларни улаб тонларга хато қилишингни кутарлар”. Мабодо сизу биздан хато тополмаса, йўқ жойдан ўзлари тўқиб-бичади. Тухмат қилиш, бўҳтон ёғдиришдан уларнинг виждони заррача қийналмайди!

Ҳаммамиз ҳам оддий инсонмиз, ҳеч биримиз хато ва камчиликдан холи эмасмиз. Бироқ бизнинг мақсадимиз эзгу – юртга сидқидилдан хизмат қи-

Фасодгўйлар



лиш, Ватанга наф келтиришни дилга тукканмиз. Зотан, ҳаммаси кўнгилдаги ниятга боғлиқ. Уларнинг бадбин фикр-мулоҳазаларини ўқиркансиз, шунча даъво-дастакларига яраша, тош босадиган бирон таклифи бормикин, деган савол пайдо бўлади сизда. Таассуфки, бу саволингизга ҳам жавоб тополмайсиз. Сабаби оддий: камчиликларни бартираф этиш ва мамлакат ривожига ҳисса қўшиш, юрт қорига камарбаста бўлиш уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, аксинча, уларнинг тирноқ орасидан кир қидириш, ўзгалар олдида ўз ватанини ёмонотлиқ қилишдан бошқа мақсади йўқ.

Энг ачинарлиси, ижтимоий тармоқларда баъзи ишонувчан, соддадил юртдошларимиз уларнинг “қармоғи”га илиниб, ҳаёти издан чиқаяпти. Улар ўзларининг адашиб, мудҳиш хатога йўл қўйганини кечроқ англашяпти... Майли, ҳечдан кўра кеч яхши дейишган, нима бўлганда ҳам хатосини тушуниб етганининг ўзи катта гап.

Куни кеча яна бир фитнагар кас ижтимоий тармоқ орқали гўёки юртдошларимизга мурожаат қилиб, “Ўзбекистонда ундоқ бўлаяпти, бундоқ

тузалиб, ниятига етсин!

Мени ўйлантиргани, биз фақат оғир синовга дуч келганимизда тавба-тазарру қилиб, эзгулик ҳақида ўйлашимиз керакми? Аксинча, соғ-омон юрганимизда бунинг учун имкониятларимиз кўпроқ эмасмиди? Бирлашиб, ҳамжиҳат яшашимиз учун албатта бошимизга бирон ташвиш тушиши шартми?

Қисқаси, четда — қай бир овлоқ ерларда биқиниб олиб, ўз юртига тухмату бўҳтон тошларини отиш орқали одамларнинг асабини бузаётган, ўз ёлғонлари билан тинч-тотув яшаётган халқимизнинг турмушини издан чиқаришга уринаётган кимсаларга инсоф тилаймиз. Зотан, уларнинг бундай қилиғи на Ҳаққа, на халққа хуш келиши аён ҳақиқат. Билъакс, жонажон Ўзбекистонимизнинг ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида ўзини сафарбар деб билган мардларга ҳамиша омад кулиб боқади, уларнинг йўли очиқ, юзи ёруғ бўлади. Яхши инсонларнинг юзидан ёғилган нурдан кўнгиллар ёришади. Барчамиз ҳамиша нурга, эзгуликка интилиб яшайлик, азизлар!

“Ҳақ омад берган-ла олишманг”, ҳайҳот, Ўйлаб, топиб айтган нақли бутунлар. Шахмат тахтасига ўхшар бу ҳаёт, Бунда голиб бўлар ақли бутунлар.

Бахт томон отланган бу отлиқ халқни, Ёмонотлиқ қилган пиёда каслар. Қачон фарқлайсизлар шириндан талхни, Найранги шайтондан зиёда каслар?

Мардликдан сафсата сўқийсиз такрор, Лек мардлик томон бир қарадингизми?! Элим, деб тин билмас ҳақиқий Сардор, Сиз элнинг кунига ярадингизми?!

Бунча ғаламиссиз, бечора зотлар, Тушунинг, битгандир сафарларингиз?! Бизга омад тиланг, чекмай фарёдлар, Шу бўлгай энг буюк зафарларингиз!

Айтинг, бу Ватанга не тиладингиз, Барбодлик, вайронлик, касоддан бошқа?! Гапни қуруқ сапга хў-ў-ў-ўп уладингиз, Бирор корингиз йўқ фасоддан бошқа!

Агар мард бўлсангиз, отамга ўхшаб, Бир бора далалаб, кетмон беринг, денг. Эй, сиз, текин ошдан ялтираган лаб, Умрингизда бир бор ҳалол луқма енг!

Дилингиз жиловин тутган нафсингиз, Ва лекин тилингиз сўзлар қоридай. Буқаламун мисол сертус лафзингиз, Қалбингиз тандирнинг мўриқоридай.

Ҳақнинг ҳифзидадир ақли бутунлар, Яратган уларни сийламай қўймас. Сиз ҳақда шундай дер, нақли бутунлар, “Йиқилган ҳеч қачон қурашга тўймас!”

Ботиржон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси ўринбосари

ҚўРҚУВ, УМИД, ИЛТИЖО



COVID... Ким учундир касаллик, кимлар учундир протокол. Кўпчиликка ваҳима, йўқотилган ҳаловат, ўлим, айрилик; баъзилар учун эса энг катта ёлғон ортидан мўмай даромад. Айримларга тавба-тазарру; кимларгадир дам олиш, ижод, имкон. Ғийбат, фисқ-фасод қилаётган, бир-бирига тош отаётганлар қанча! Баъзилар учун эътиқод мустаҳкамлиги, ибн Сино, табобат эди, бир оғир синов...

Бир йил олдин шу гаплар бор-миди? Кўчалар хувиллаганмиди? Одамлар оммавий тарзда ниқоб тақиб юрармиди, бир-бири билан сўрашишдан чўчирмиди? Кўпчилик ўз уйида шунча узоқ вақт ўтирганми ҳеч?

Демак, бир йилда, бир ойда, бир кун, бир сонияда ҳаммаси ўзгариб кетиши мумкин. Жон омонатлиги теран идрок этилмоқда. Ҳаёт нақадар ширин.

ФБга кирасан — таъзияхона! Остона ҳатлаб чиқмоқчимисан, ҳеч бир кафолат йўқ — одамлар хавфли. Уйда ўтир, кутгин. Абдулла Орипов мисраси ёдга тушди: «Бир қадам қўйсанг, нарғи ўлим...»


Барибир... барибир умид қилинг. Ўзингизни бир юмуш, эрмак билан чалғитинг. Хавотир, ҳадикни хушвақтлик билан алмаштиринг. Дуолар ўқинг, илтижо қилинг.

Ризқни Худойим етказди, бировга кўп, бировга камроқ.

Яшамоқчимисиз, умид қилинг, табассумни унутманг. Кўзгуга 15 сония самимий кулиб қаранг, кайфиятингиз кўтарилади...

Икки инсон деразадан боқади, бири юлдузларни, иккинчиси кўлмакни кўради...

Анвар НАМОЗОВ



ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҲ!

2020 йил 1 октябрдан бошлаб, тадбиркорларга санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси берилади.



Мамлакатимиз журналистикасининг бугуни ва келажакни иқтисодий муаммолар қаърига «сингиб» бораётган газета ва журналларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, уларнинг чоп қилиниш адади кундан-кунга камайиб кетаётган, айрим нашрлар ҳаттоки, бутунлай тўхтаб қолиш хавфини сезаётган бир шароитда бу зарурат яққол кўзга ташланмоқда. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳаққоний акс эттиришда босма нашрлар зиммасига ниҳоятда нозик ва айна дамда шарафли вазифалар юклатилганки, буни ҳис қилиш учун ҳар куни газета ўқиш керак! Шундай экан, ҳаётимизни газета-журналларсиз тасаввур қилиш журналистика соҳасини қўл оёқсиз қолдиришдек гап. Икки таянч аъзосидан айрилган тананинг ҳаракати, яшаши, кишилиқ жамиятига хизмат қилиши нечоғлик мушкуллигини ўзингиз ўйлаб кўраверинг!

Матбуотга қон керак,



би Шароф Рашидов, академик шоир Фафур Фулом, ёзувчи Ойбек, Одил Ёқубов, Шукрулло, Туроб Тўла, Миртемир, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Лазиз Қаюмов, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров, шоирлар Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, педагог Муҳтарама Улуғова ва Қутлибека Раҳимбоева, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик, адиблар Хайридин Султонов, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон сингари давр даргаларини тарбиялаб вояга етказди. Улар рус ва жаҳон адабиёти дурдоналарини яратган Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Чехов, Толстой, Некрасов, Шекспир, Шиллер, Бодлер, авар халқининг сеvimли фарзанди, машҳур шоир, моҳир таржимон,

жараёнида, уни Қонун сифатида қабул қилинишида, мамлакатимизни мустақил давлат бўлиб шаклланишида, истаймизми, йўқми, таҳририятларда ҳалол меҳнат қилган юзлаб журналистлар, адиблар, шоирлар, тилшунос ва педагогларнинг хизмати беқиёсдир.

Қолаверса, таҳририятлар ўз бағрида камолга етган юзлаб журналистларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига, вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимларидаги масъул лавозимларга тайёр мутахассис сифатида тавсия этиб келди. Гурур билан айтиш мумкинки, бу аъёна бугун ҳам давом этмоқда. Буни шунчаки унутиб юбориш мумкин эмас!

Ошқора айтишимиз керак бўлган яна бир ҳақиқат шуки, газета журналларни оммавий шаклланишига беқиёс ҳисса қўшиб, сафимизни тарқатган марҳум журналистлар ва ижодкорлар хотираси ҳаммамиз учун доимо азиздир. Уларнинг иззат-ҳурмати хайрли дуолар билан ёд этиб, жойига қўйишлик бугунги авлод зиммасидаги бурчдир. Буни ҳам унутиб бўлмайди! Лекин, афсуски, бундай хайрли ишлар бир четда қолиб, улар очган эшикларни тақа-тақ ёпиш, не азоблар билан ўстирган чинорларини қирқиб қуришти пайига тушиб қолганлар ҳам бор...

Ҳаётнинг қонуни шуки, инсондаги бундай тошбағирлик Яратганга ҳам ёқмайди! Шундай эмасми?

Газета журналларни чоп этиш жараёни ўта мураккаб кечишини тасаввур қиладиган бўлсак, таҳририят ходимларининг ҳолис хизматлари қадрланадими? Баландроқ бўй кўрсатади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон журналистикаси энг гуллаган даврга қадам қўйганди. Таниқли адиб ва шоирлар, публицистлар, тарихчилар, академик олимлар айнан газета-журналларда халқ манфаатини баралла ҳимоя қилиб чиқишди. Миллатимиз пешонасига тамга қилиб босилган «Босмачилиқ ҳаракати», «Боқиманда ва саводсиз халқ», «Дин афюндир», «Пахта иши» каби таҳқирлашларни тарихий маданиятимиз, муқаддас динимиз, илм-фанимиз ютуқларини очиб бериш орқали бутунлай сидириб ташлади. Ўша

йиллари авж олган, ўзбек фарзандларининг мамлакатимиз сарҳадларидан четдаги ҳарбий хизматда ва маъносиз афгон урушида шунчаки, эрмакка ҳалок бўлаётгани муаммосини кўтариб чиқди. Нуфузли халқаро анжуманларда миллатимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Халқимиз шаъни, қадр-қимматини, тилимиз ва маданиятимизни тан олинишига тўлиқ эришди. Газета ва журналларда чоп қилинган асарлари орқали бутун жамоатчиликни миллат эрки учун собиқ шўро тузумига қарши оёқлангирди.

У пайтлари ҳозиргидек, битта тугмани боссангиз ҳамма ишни муҳайё қиладиган компьютерлар йўқ эди. Таҳририятлардаги тегишли бўлимлар томонидан тавсия этилган мақолалар, шеърлар, ҳикоялар аввал қўл машинкасида қоғозга туширилди, такрор-такрор адабий таҳрирдан ўтгач, чоп этиш цехида қайтадан қўрғошинли ҳарфларда терилди, хуллас, саҳифа тўлиқ шаклланишига бўладиган узлуксиз, машаққатли жараёнларда юзлаб журналистлар, муҳаррир ва бош муҳаррирлар, масъул котиблар, рассомлар, ишчилар, муҳандис-техник ходимлар иштирок этишарди. Эрталаб соат 9:00да ишхонага етиб келган ижодий ходим, айниқса, масъул лавозимдаги кишилар 12 соатлаб ишлашарди. Газетанинг кунлик чиқишини таъминлайдиган навбатчи журналистлар Худонинг берган куни борки, эрталабдан кейинги кун тонггача саҳифаларда хатони тўғрилаб кўз нуруни тўкишарди. Бу — газетанинг қора меҳнати, журналистнинг ҳалол нони эди!

Ана шундай кунларнинг бирида, «Қишлоқ ҳақиқати»-«Сельская правда» газеталарига Самарқанд вилоят нашрининг раҳбари Аҳмадjon Мухторов бош муҳаррир этиб тайинланди. Бу ҳақидаги ахборотни барча марказий газеталар чоп этди, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали жамоатчиликка етказилди.

Рус тилида ҳам эмин-эркин, қойиллатиб ижод қиладиган раҳматли Аҳмадjon Мухторовнинг Тошкентга келиши пойтахтдаги адабий ва ижодий муҳитга катта таъсир кўрсатди. Ҳар иккала тилдаги газета саҳифаларида адиблар, иқтидорли шоирлар, зиёлилар, академик олимлар ва жамоат-

шов-шувли хабарлар, ноҳолис фикрлар кўлами кенгаймоқда. Шулардан келиб чиқиб, газеталарнинг шонли ўтмиши, бугуни ва эртасига холис баҳо берсак, деган илинжда ушбу мақолага қўл урдик.

Бошқа ОАВни асло камситмаган ҳолда айтиш жоизки, босма нашрлар жамоаси ҳаммиша билимли ва иқтидорли ижодкорлар билан шаклланиб келган. Шу туфайли илгариларнинг бугунги аҳволи, бу соҳада ҳалол меҳнат қиладиган минглаб заҳматкаш журналистлар ижодий муҳити ҳақида кетар экан, аччиқ бўлса-да бор ҳақиқатни гапириш, пана-пастқамда

Газета журналларни чоп этиш жараёни ўта мураккаб кечишини тасаввур қиладиган бўлсак, таҳририят ходимларининг холис хизматлари қадрланадими? Баландроқ бўй кўрсатади.

публицист ва сиёсат арбоби Расул Ҳамзатов сингари адиблар асарларини юксак маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиб, босма нашрларда чоп этиш билан бир қаторда, ҳар бир сатрида миллат манфаати яширинган ўз ижод намуналарини сиёҳи қуримасдан, айнан газета-журналлар орқали собиқ иттифоқ компартиясининг тўқмоқлари остида бўлса-да, халққа етказишди. Уларнинг миллий матбуотимизни юксалтириш, газета-журналларни ҳар томонлама мукамал чоп этилиши борасидаги камтарона хизматлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак.

Она Ватанимиз бошидан кечирган барча суронли йилларда халқимиз тарихи, тили ва маданияти, мумтоз адабиётини сақлаб қолишда газета-журналлар жамоалари сиёсий тарғиботчи сифатида иш олиб борди. Миллатни ўз эркини англашида, ота-боболаримизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган буюк хизматларини эътироф этилишида, Ўзбекистоннинг мустақиллик декларацияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг умумхалқ муҳокамаси

ри бундай таҳририятларга ишга кириш учун талабгорда муайян илм-маърифат, салоҳият, журналистга хос дид ва маданият бўлиши лозим эди. Масалан, бир пайтлари газеталарда фан номзодлари, профессорлар, адабиётшунос олимлар меҳнат қиларди. Мана шу мезондан ҳам босма нашрларнинг ўша даврдаги салоҳиятини билиб олсак бўлади.


Собиқ иттифоқ даврида эса газета-журналлардаги кунни тунга улаб меҳнат қиладиган виждонли журналистлар икки ўт орасида яшашарди. Бир томондан собиқ компартия кўрсатмаларидан, унинг голяларини халққа етказишдан бир лаҳзага бўлса-да, чекиниш, ҳаттоки, иккиланиш ҳам мумкин эмасди. Айни дамда, жафокаш миллатнинг дарди битилган мақолаларни ҳам чиқариш лозим эди... Онда-сонда бўлса-да, баҳор осмонидаги чақмоқдек ярқ этиб, кўзга ташланадиган бундай мақолалар чоп этилган газеталар қўлма-қўл бўлиб кетарди.

Босма нашрлар таҳририятлари доимо илм-маърифат тарқатувчи маскан сифатида эъзозлаб келинган. Бу қутлуғ даргоҳ ўз бағрида таниқли адиб Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, давлат ва жамоат арбо-

2019-2020 йилларда аҳолини босма нашрларга обуна қилиш тизимидаги янгича ёндашувлар туфайли барча таҳририятлар молиявий муаммоларга дуч келди. Улар ўзини ўнглагунча, айрим кишилар газеталардан босқичма-босқич воз кечиш гоёсини илгари сурдилар. Бундай маъносиз таклифлар журналистлар орасида жиддий баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Гап газета ва журналларнинг бугунги аҳволи, бу соҳада ҳалол меҳнат қиладиган минглаб заҳматкаш журналистлар ижодий муҳити ҳақида кетар экан, аччиқ бўлса-да бор ҳақиқатни гапириш, пана-пастқамда

фурсат пойлаб, таҳририятлар қадр-қимматини пастлатишга қаратилган таги пуч гоёлар ва гализ фикрлардан кўра хайрлироқдир. Жасорат билан айтилган битта рост сўз, кимнингдир мансаби ва таъйинидан чўчиб, унга тилёламлик билан ҳамду санолар тўқишдан фойдалироқдир. Шундай экан, келинг, бу мавзудаги мушоҳадаларимизни оғир-босиқлик билан тарозига қўйиб кўрайлик. Зеро, адолатли ўлчов ҳар биримиз учун фақат ва фақат фойда келтиради.

Ахборот манбаларига бўлган эҳтиёжни янги шаклланиган интернет тизими орқали топишга уринаётганлар сафи тобора ортиб бораётир. Шу боис, кўпчиликда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўлиқ интернет тармоқлари орқали бошқарилади деган ноўрин тасаввур ҳам шаклланди. Ҳаттоки, айрим ижтимоий тармоқларда эртаю кеч газета саҳифалари устида кўз нуруни тўкиб меҳнат қиладиган журналистлар, шунингдек жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар ўтказиётган прокуратура, суд, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шаънини топташгача бориб етadиган, мазмун моҳидан йироқ бўлган, асоссиз,



ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!

Тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш жавобгарликка сабаб бўлади.

ЖОН КЕРАК!



ди.
«Қи-
ш л о қ
ҳақиқати»
таҳрири-
яти худди
ҳозиргидек,
бинонинг бе-
шинчи қава-
тида жойлаш-
ганди. Лифт
ёнидаги девор-
да: «Ақл қай-
роғи, юрак
қ и й н оғ и,
сўзнинг қай-
моғи бу —
Газета!» де-
ган ёзув пайдо
бўлди. Бу раҳ-
матли Аҳмаджон

Мухторовнинг ўзлари
ижод қилган сатрлар
эди. Йирик ҳарфларда битил-
ган бу шиор шу жойда анча
вақтгача осиглиқ турди.

1990 йил август ойида тажри-
ба ортириш ва илмий иш қи-
лиш илинжида Ленинград(ҳо-
зирги Санкт-Петербург)даги
сиёсатшунослик институтига
ўқишга кетадиган бўлдим. Са-
фар олдидан устоз билан хайр-
лашиш учун ишхонасига бор-
дим.

— Бизга яхши-яхши мақола-
лар жўнатиб тур, тушундингми!
— деди у киши қатъий оҳангда.
— Яқинда бир янгилик бўлади.
Борибоқ, манзилнинг билдир,
биринчи бўлиб сенга хабар қи-
ламан. Хурсанд бўладиган иш.
Балки, ўқишни битириб биз-
га қайтарсан. Бундан кейин
кўпроқ Москвада доимий ко-
миссия таркибида ишлайман.
Хабарлашиб турамингми? Мос-
ква билан Ленинграднинг ораси
бир қадамлик йўл бўлса, шундай
эмасми, -деб, кулиб қўйдилар.
Гапининг мазмунидан, устоз
анчадан буён пишитиб юрган
режасини уйдалаганини фаҳмла-
дим.

1990 йил ноябрь ойининг ўр-
таларида Ленинград шаҳрида-
ги Катеринанинг ёзги саройи
билан Қозон собори оралиғида
жойлашган ётоқхонамизга поч-
та орқали юборилган, «Халқ
сўзи» газетасининг 29 октябрь
кунги нишона сони етиб кел-
ди. У бир зумда, ўзбекистонлик
ёшлар ўртасида қўлма-қўл бў-
либ кетди. Газетанинг бирин-
чи саҳифаси тепасида, Чўлпон
(Абдулҳамид Сулаймон ўғли)
нинг: «Халқ денгиздир, халқ
тўлқиндир, халқ кучдир!» деган
сатрлари шиор бўлиб турарди.
Кимки, газетани қўлига олиб,
саҳифалардаги таниқли адиб
ва шоирлар, жамоатчиликнинг
илғор намоёндалари ёзган ҳур
фикрли мақолаларни ўқиган
бўлса, барчаси Аҳмаджон Мух-
торовнинг жасоратига тасанно-
лар айтганди. Чунки ўша даврда
бундай газетани чиқариш ари-
нинг инига чўп тикиб кўзгаш
билан баробар эди-да!

1991 йил, 1 январдан тўлиқ

ададда чиқа бошлаган «Халқ
сўзи» — «Нородное слово» га-
зеталари раҳматли Аҳмаджон
Мухторов бош муҳаррирлик
қилган йилларда ўз қатъияти-
дан бир қадам ҳам оғишмади.
Халқ манфаатини ифода этган
мақолалар пешма-пеш чиқиб
турди. Саҳифаларида журна-
листларининг жасорати уфу-
риб турган мақолалар туфай-
ли «Халқ сўзи», «Ўзбекистон
адабиёти ва санъати» ва бош-
қа расмий нашрларни газета
дўконларидан топиш қийин
эди. Одамлар эрта тонгданоқ
харид қилиб кетарди.

Хўш, интернет оламига бу-
тун вужуди билан сингиб бо-
раётган бугунги ёшлар буни
билишадими? Босма нашрлар-
нинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт-
даги аҳамиятига қўл силтаётган
кибрил тўралар, ором курси-
сига ёпишиб, газета-журнал
ўқишликни ўтмишга менгзаёт-
ган, ҳар йили обуна мавсумида
ҳамкорлик илинжида остона
хатлаган таҳририят ходимлари-
ни кўрс ва кўполлик билан ўзи-
дан йироқлатишга «жасорат»
кўрсатаётган ҳокимлар, таш-
килот ва идоралар раҳбарлари
таҳририятлардаги журналист-
ларнинг қора меҳнатини тушу-
нишармикан?!

Яқинда ана
шундайлардан
бири, Тошкент
вилоятининг
«Олтин воҳа»
ижтимоий тар-
моғида «Халқ сў-
зи»нинг расмий
сайтида Оҳан-
гарон шаҳар ҳо-
кимининг ишдан
олиниши
тўғрисидаги ахборотга асосиз
норозилигини, собиқ ҳокимга
бўлган шахсий садоқати туфай-
ли газетага тўхмат тоши отиш
орқали баён этди. Лекин шум
ниятини уйдалаёлмади. Отган
тоши бошига тушди. Бу каби
тармоқларда шов-шувли ахбо-
рот бизнеси ортидан қуваёт-
ганлар газетачиликнинг қора
меҳнатини қандай қадрлаш-
син!?

Жорий йилнинг 27 июнь
куни нишонланган «Матбуот
ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни» муносабати
билан жойлардаги ҳокимлик,
вазирлик, ташкилот ва идора-
лар раҳбарларининг кунни тун-
га улаб меҳнат қилаётган, аҳоли
хонадонларига илм-маърифат
зиёсини улашаётган газеталар
ижодий жамоалари меҳнатига
кўрсатган совуқ муносабатида
бундайларнинг асл башараси
янада ойдинроқ намоён бўлди.

Газета-журналларнинг аҳво-
ли кун сайин ғариблашаётган-
ни, аҳолининг обуна жараёнига
салбий муносабат билдираётган-
ни балки, таҳририятларда ҳис-
са, очерк, публицистика, ҳи-
коя, репортаж, фельетон,
ҳажвия, танқидий мақола син-
гари жанрларнинг унут бўлиб
бораётганига ҳам боғлиқдир.
Балки, саҳифаларнинг боши-
дан охиригача ҳамду санолар,
мақтовлар, ютуқлар, келажак-
ка бўй чўзган чегарасиз орзу
ҳавасларга тўлиқ мақолалар
кишиларни газета ўқишдан со-

вутаётгандир? Бундай мақола
ва хабарлар ўрнига, жойларда
аҳолини қийнаётган муаммо-
лар, турмуш ташвишлари акс
этган бир чимдим ҳақиқати бор
таҳлилий мушоҳадалар, диний,
тарихий, маънавий меросимиз,
мумтоз адабиётимиз дурдонаси
бўлган асарлардан парчалар бе-
риб борилгани ҳам маъқулдир.
Ҳар ҳолда газеталарни янада
ўқишли қилиш, оммавийлигини
ошириш таҳририят ходим-
ларининг ўзига ҳам боғлиқ,
шундай эмасми?!

Иккинчи тарафда эса, бу-
гунги пандемия давридаги оғир
шароитга, қатъий чекловлар-
га қарамасдан чоп этилаётган
мавжуд нашрларнинг ўқувчи
қўлига ўз вақтида етиб бор-
маслиги муаммоси турибди.
Таҳририятлар ҳарчанд ҳаракат
қилишмасин, бизда ҳали «Ўз-
бекистон почтаси», «Матбуот
тарқатувчи» каби ташкилотлар-
да бу борадаги хизмат кўрсатиш
тизими яхши йўлга қўйилма-
ган. Шу боис кишилар ўз обуна
нашрларини муттасил кечикиб
олишмоқда. Бу пайтда тезкор
блогерлар ва ижтимоий тар-
моқлар айрим хабар ва лавҳа-
ларни интернет тизими орқали
аллақачон етказишган бўлади.
Бундай муаммолар ечимини

тиришдаги хизматлари янада
ойдинлашади.

Ҳар биримиз, ўз танамиз-
га бир ўйлаб кўрайлик! Пи-
шиқ-пукта ёзилган, ўзида
миллат ва жамият дардини му-
жассамлаштирган, мавжуд му-
аммолар ечимига йўл топишни
талаб этаётган танқидий-таҳли-
лий мақола қаёқдаю, ижтимо-
ий тармоқлардаги ҳар хил ол-
ди-қочди жумлалардан иборат,
сўзнинг эга кесими аралашти-
риб юборилган матнлар, ҳаёсий
видеотасвирлар қаёқда?!

Газетада чоп этилган мақо-
ла ва расмий ахборотлар, қонун
ҳужжатлари, қарорларни киши
истаган пайтда очиб ўқиш им-
кониятига эга бўлади. Интернет
тармоқларда эса бу жараён ўзга-
ча акс этади. Бугун ўқиганингни
бирор бир сабабга кўра, эртаси
куни тополмайсан киши.

Юқорида таъкидлаганимиз-
дек, «Youtube» тармоғида ай-
рим блогерлар томонидан таш-
килотлар шаънига айтилаётган
таъна-дашномлар, ҳақоратомуз
сўзлар ҳам бугун чегара билмай
қолди. Ким нимани тўғри деб,
билса, шуни оммага етказишга
зўр бермоқда. Аслида, ахборот-
ни тезкор тарқатишда ҳам маъ-
лум бир қоида, сўз қолипи бў-
лиши керак эмасми?


**Юқорида таъкидлаганимиздек,
“Youtube” тармоғида айрим бло-
герлар томонидан ташкилотлар
шанига айтилаётган таъна-даш-
номлар, ҳақоратомуз сўзлар ҳам
бугун чегара билмай қолди.**

Тармоқлардаги
жиловсизликлар бир тар-
рафдан жамиятдаги мат-
буот ва сўз эркинлиги,
демократия тамойилла-
рини акс эттирса-да, ле-
кин миллий маданияти-
миз, урф-одатларимиз,
диний қадриятларимиз-
нинг йиллар давомида
шаклланган қодалари буни
ҳазм қила олармикан?! Ахир
биз бир пайтлари, жаҳон афкор
оммаси томонидан илм-маъри-
фатли буюк бир миллат сифа-
тида тан олинмаганмидик?

Имом Бухорий, Имом Тер-
мизий, Имом Мотуридий, За-
маҳшарий, Абулайс Самарқан-
дий, Қафқол Шоший, Имом
Насафий, Бурҳониддин Марғи-
ноний сингари илм-маърифат
етақчилари бўлган бобокалон-
ларимиз дунё маданиятининг
шаклланишига сабабчи бўлма-
ганмидилар? Уларнинг абадий
барҳаёт асарлари бугунги мил-
лий мафкурамизга асос қилиб
олинмаганми? Унда нега биз
замон талаби деган эҳтиёжи-
мизни қондириш учун Европа
маданияти сари қўл чўзиб, ўза-
ро қадр-қимматни, меҳр-оқи-
батни, катталарга ҳурмат, ки-
чикларга иззатни унутяпмиз?!

Мана газета-журналлар жа-
миятга нима учун керак! Босма
нашрларнинг бугунги оғир ша-
роитини бошидан ўтказётган
журналистлар қора меҳнатининг
қадри қанчалик муҳимли-
гини газеталарни ўтмиш қаъри-
га улоқтирмоқчи бўлаётганлар
тушунишармикан? Нима бўл-
ганда ҳам, аҳолини газета-жур-
нал ўқишдан ҳозирча тиймай
турган маъқул. Келажакни
эса вақт кўрсатади, шундай
эмасми?!

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН
ўғли,
журналист-сиёсатшунос



ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҲ!

Инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.



Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг

Тўнғич қизимиз бир ойлик бўлганида, педиатр кўригига олиб бордик. Кўрик давомида педиатр чақалоқнинг ривожланиши, сезгиларини текширди. Кейин бир ойлик чақалоқнинг ҳар қўлига бир кўрсаткич бармоғини ушлаттирди-да, ҳавода муаллақ ушлаб турди.



Буни кўриб, аёлим иккала-мизнинг эсимиз чиқиб кетай деган эди. Бизнинг ҳолатимизни кўрган шифокор, "хавотир олманг, ҳаммаси яхши, қараб туринг" деб уни ушлаб туришда давом этган. Шунда ўзи зўрға қимирлайдиган чақалоқ ушлаб турган бармоқлар қўлидан чиқиб кетиб, ерга йиқилмаслик учун бармоқларни маҳкам ушлаб олиб чирқираб йиғлаб курашишда давом этган. Бу ҳолат қанча давом этганини билмайман. Аммо ҳайратимизга кўра, қизимиз шифокорнинг ўзи уни ерга қўймагунча бармоқларни қўйиб юбормаган.

Анатомия, биология фанларига мурожаат қилинса, бу жараён чақалоқнинг бир ойлик пайтидан эмас, балки у ҳали миллионлаган уруғларнинг бир донаси бўлиб ҳаёт учун курашни бошлаган пайтиданоқ бошланишини олиб оламиз. Ундан кейин у онасининг қорнидалигида ҳам тушмаслик учун кўп ҳаракат қилади ва инсон бўлиб туғилгач, бир умр, ҳатто қариб юра олмай қолганда ҳам ўлмасликка ҳаракат қилади.

Демак яшашга интилиш, ўлмасликка ҳаракат қилиш инсонда туғма инстинкт экан. Умуман бу инстинкт тирик жонзотларнинг барчасига ҳос десак тўғрироқ бўлади.

Шундай экан, қандай қилиб суицид деган феномен мавжуд бўлиши ва инсонлар ўзларини ўлдиришлари мумкин? Ҳайвонларда ўз боласини ҳимоя қилиб, ўзини қурбон қилиш ҳолатлари ёки оила аъзоси ўлса, сиқилиб, ҳеч нарса эмасдан ўлишгача борган ҳолатлар бўлади, аммо ўз жонини ўзи олиш ҳолати фақат инсонларга хосдир...

"ТАНАТОС ПАЛАС ОТЕЛ"

Француз ёзувчиси Андре Моруанинг "Танатос Палас Отел" деган новелласи бор. Унда бир банкир 112 доллардан сотиб олган акцияларининг нархи 59 долларга тушиб кетиши оқибатида бор будидан айрилади, ҳисобида бор йўғи 893 доллар пули қолади. Икки йил олдин ўзига хотин қилиб олган гўзал котибаси уни ташлаб кетди. Хўжайи-

ни "Энди нима қиламиз" деб қистай бошлайди. У ўзини ўлдириш ҳақида ўйлаб кўради. Шу маҳал "Танатос Палас Отел" деган меҳмонхонадан унга хат келади.

Хатда меҳмонхона директори унинг аҳволидан хабардор эканлигини айтиб, ўзини ўлдириш ҳам санъат эканлиги, уни истаган бир ҳаваскор қила олмаслигини, ўзини ўлдираман деб уриниб кўриб қанча одамлар ўлмасдан мажруҳ бўлиб қолиб, кейин бир умр қийналиб яшаганликларини ёзади. Сўнгра унга бор йўғи 300 долларга ўз меҳмонхонаси хизматларини таклиф қилиб унга ўзини билдирмасдан, оғритмасдан профессионалларча ўлдиришга ёрдам беришини айтиди. Юридик муаммолари ва диний виждон азоблари масаласини ўз зиммасига олишини билдиради ва унинг хизматларидан йилига 2000 киши фойдаланишини қистириб ўтади.

Ҳаётдан умидини узган, барча яқин инсонларидан айрилган ва курашишга ўзида куч топмаган банкир таклифни қабул қилади ва меҳмонхонага бориб жойлашади. У ерда барча шароитлар яхши, манзаралар гўзал, одамнинг баҳри дили очиладиган бўлади. Меҳмонхона директори банкирга бир гўзал мижоз аёлни таништириб қўяди. У аёл банкирга ўзини собиқ эри алдагани, ундан кейин бошқа эркаклар ҳам алдагани, ниҳоят ҳаётдан тўйиб кетганида меҳмонхонадан хат олганини айтиб беради.

Банкир ва аёл бир-бирларига ўрганиб қоладилар. Банк кечқурун хонасига қайтиб, совуқ душ қабул қилгач, ҳаётнинг гўзаллигини қайта англай бошлайди. Эртаси куни банкир ва аёл сайрга чиқиб кетишади. Улар кечгача суҳбатлашадилар ва кечга яқин ҳаётдаги муаммолар ўткинчи эканлигини, яшаса уларни енгиш мумкинлигини

Дунёда ҳар йили ўртача 10-20 миллион атрофида инсонлар ўз жонларига қасд қиладилар ва улардан тахминан 800 000 киши вафот этади. Дунёнинг барча давлатларида асосан эркаклар кўпроқ ўз жонларига суиқасд қилсалар, фақатгина Хитойда аёллар эркаклардан кўпроқ ўзларини маҳв этадилар.

ни тушуниб этадилар. Банк меҳмонхона директори олдига кириб, унга қарори ўзгарганлигини, энди ўлмоқчи эмаслигини айтиди. Меҳмонхона директори унга бундан хурсандлигини айтиб, эртага тўлаган пулининг ортиқчасини қайтиб беришини айтиб чиқариб юборди, хизматчисини чақириб, "113 хона тайёр бўлибди. Бугун тунда соат 2 да хонага газни қўйиб юбор" деб буйруқ беради.

Унинг орқасидан банкир мижоз деб ўйлаб юрган аёл кириб келади-да, банкирни ўлдирмасликларини сўрайди. Чунки аёлнинг унга раҳми келган бўлади. Директор эса "Бизнинг бизнесимиз шундай. Пулингни ол-да, бориб дамингни ол. Индинга шведциялик банкир келяпти. У билан ишлашинг керак" деб уни чиқариб юборди...

ҚИСҚА СТАТИСТИКА

Дунёда ҳар йили ўртача 10-20 миллион атрофида инсонлар ўз жонларига қасд қиладилар ва улардан тахминан 800 000 киши вафот этади. Дунёнинг барча давлатларида асосан эркаклар кўпроқ ўз жонларига суиқасд қилсалар, фақатгина Хитойда аёллар эркаклардан кўпроқ ўзларини маҳв этадилар.

Дунёда ўз жонига энг кўп суиқасд қиладиган ҳудуд Европа қитъаси бўлиб, энг кам суиқасд қиладиган ҳудуд Марказий Осиё ва яқин шарқ минтақалари бўлади.

2006 йилда суицид дунёдаги ўлимларга сабаблар рўйхатида 13 ўринда, ёшлар-

нинг ўлимлари сабаблари рўйхатида олдинги ўринларда турган экан. Суиқасдларнинг фоизи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, бу рақамлар ҳозир ҳам шундай бўлиш эҳтимоли катта...

САБАБЛАР

Суицид феномени фанда тўлиқ ўрганилган ва унинг нималиги ҳамда сабаблари аниқлаб бўлинган десам ёлғон бўлади. Ўзини ўлдириш ҳолатлари қадим замонлардан бери бор бўлиб, у баъзан ожизлик, баъзан эса шарафни қутқариш, яъни жасорат деб қаралган пайтлар ҳам бўлган. Айрим замон ва маконларда ўзини ўзи ўлдирини касаллик деб қаралган ва асосан жиннилар ўзини ўлдиради деб ишонишган. Бу гапларнинг барчаси ҳозирги кунда ҳам мавжуд, чунки суицид феноменини инсонлар яхши билмайдилар ва унинг номининг ўзиёқ совуқ бўлганлиги сабабли, у ҳақда гаплашмасликни маъқул кўрадилар.

Айрим динларда, хусусан, "китоб туширилган динлар", иудаизм, христиан ва ислом динларида ўзини ўлдириш гуноҳ саналади ва улар жаннатга тушмайдилар деб айтилади. Бошқа дин ва таълимотларда улар ёмон деб қораланадиган ва умуман қораланмайдиган ҳолатлари ҳам бўлади. Айрим секталар, сиёсий ёки мафкуравий қарашлар сабабли инсонлар ўзларини коллектив равишда ўлдирганлари ҳам кузатилган.

Суицид феноменини асосан иккита фан, психология ва социология ўрганади. 20 аср ўрталаридан бери суицидология фани ҳам мавжуд, аммо у ҳам суициднинг асосан психология ва социология фанларининг хулосаларини умумлаштириб ўрганади.

Психологлар суицидни

психологик муаммо деб ҳисоблайдилар. Улар соғлом инсон ҳам ўз жонига суиқасд қилиши мумкин, аммо у ўз жонига суиқасд қилган пайтда соғлом психик ҳолатда бўлмайди деб айтадилар. Ўз жонига қасд қиладиган инсон умидсизлик, ёлғизлик, депрессия, руҳий чарчоқ ҳолатида, хуллас ўзини ва онгини бошқара олмайдиган психологик ҳолатда бўлади дейдилар. Бундан ташқари, биполяр бузилишлар, шизофрениа, алкоголизм, наркотик моддаларнинг истеъмоли ва бошқалар ҳам суицидга сабаб бўлиши мумкин.


Социологлар, хусусан, социолог Эмил Дуркеим суициднинг биринчи сабабчиси бу аномия, яъни инсоннинг ижтимоий ришталарининг узилишидир деб айтади. Бунга ижтимоий, оилавий-маиший муаммолар, ишсизлик, иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, камбағаллик ва ҳоказолар ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Умуман олганда, ижтимоий ҳаёт жонзотлар ичида фақат инсондагина бор ва шу сабабдан суициднинг келиб чиқишида ижтимоий муаммоларнинг роли катта.

Тиббий ва психик сабаблар, алкоголизм ва наркотик моддаларни четга суриб, ўз жонига қасд қиладиган инсонларнинг ҳаётлари ўрганилса, улар ўзлари ижтимоий боғланиб қолган нимадандир жудо бўлгач, кўзларига дунё торайиб қолиб, ўзларини яқкаланиб қолгандай ҳис қиладилар.

Кимдир боласини, кимдир онасини, кимдир 30 йил ишлаган иш жойини, кимдир севган йигити ёки қизини йўқотган пайтда дунё кўзига тор кўринади. Чунки уларнинг атрофида 7 миллиард инсон, миллионлаб иш ўринлари, севимли инсонлар бор бўлишига қарамастан, улар ўзларининг ижтимоий ҳаётларини фақат шуларга боғлаган бўладилар. Шу сабабдан, уларни йўқотганларида, улар учун ҳаётнинг мазмуни қолмайди.

Ўзбек жамиятида қиз боланинг бокиралиги унинг бору-йўғи, жамиятдаги мавжудлигининг гарови, жамият билан энг асосий риштаси ҳисобланади. Шу сабабдан, ўзбек жа-



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА ЎҚИҒИ!

Болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришда хавфсизлик талаблари белгиланди.

МАГНИТ БҮРОНИ

Сайёрамиздаги глобал ўзгаришларданми, ноқулай экологик ҳолат таъсиридами шу кунларда юртимизда магнит бўрони кузатилармиш. Бунақа ҳол илгари ҳам содир бўлган, бироқ бу галгиси, аввалгиларидан фарқли равишда, кўпчиликнинг бошини қотириб қўйди. Ваҳима қилишларича бугун-эрта кутилаётган магнит бўрони таъсирида умри давомида бирор марта бўлсин ножўя иш қилган одамларнинг қилмишлари танасида белги берармиш. Масалан, пора олган, таъмагирлик қилган кишининг бошидан шох ўсиб чиқармиш.

ойнага синчиклаб назар солиб безовталаниброқ хонасига кириб кетди.

Ваҳима фақат ишхонамизда эмаслигини йўлда келаётган-нимдаёқ сезгандим. Қишнинг чилласида бошланг юрадиган боғча мудариси пешонасини бостириб рўмол ўраб олибди. Йўналишдаги таксига ўтираётган аксари одамлар машина олдидаги ойнага разм солиб олиб, яна аланглаб, ҳадиксираб машина салонига ўзини уради.

Кўпчилик дўппи, шапка, шляпа кийиб олган. Тавба, яна ҳадиксираб бош кийимининг устидан ҳам пайпаслаб нима-нидир текшириб қўйишади-я.

Камчиликларга йўл қўйганларни аяб ўтирмайман, деб ўдағайлайдиган бошлигимиз ҳам мулойим тортиб, камчилик ҳар биримизда бўлиши мумкин, агар кўзимиз тушса оламга жар солмай секин бир-биримизга айтмайлик, деб мурасага чорлаб турибди.

Қўшиб-чатиб гапирадиганларнинг миш-мишлари кўпайиб, кимларнингдир баданларида ҳам нимадир ўсиб

чиқиши мумкин, ҳатто дум пайдо бўлар эмиш деган гаплар чиқди. Шундан ҳадиксирабми одамлар у ёқ, бу ёқларини кузатишяпти шекилли, ишхонамиз ҳожатхонасида ҳам навбат пайдо бўлиб қолди. Тўқайга ўтса ҳам ҳўлу қуруқ барабар ёнаркан-да.

Тушликдан қайтсам бир-иккита ҳамкасбларим котиба қизимизнинг мўъжазгина кўзгусини олиб у ёқ, бу ёқларини ростлагандай бўлиб, тўғки ороланиб туришган экан. Бу ердаги бўйимиз баробар катта тошойнани раҳбаримиз хонасига опкиртириб олибди. Э-э, бечора, шовилмасам ҳам бўлар экан...

Чунки, дардини берган давосини ҳам беради, деган гап яна бир бор тасдиғини топди. Ҳамма кўзгу қидириб, қичишса-қичишмаса минг ҳадик билан боши атрофини қашлаб юрганда фаррошимиз Сурмахон янгилик топиб келди. Ноанъанавий магнит бўрони ва унинг атрофидаги ваҳимали гаплар ижтимоий тармоқдаги одатдаги ёлгонлардан бири экан.

Ҳамкасбларнинг юзига қон югурди, чехралар очилди. Ҳамма ваҳималар тез орада унутилди. Ҳар ким ўз ишига шўнғиб кетди.

Энди уларни бошқа ташвиш ўйлантирарди: эртага текин тушликни кимдан ва қаердан ундирса бўларкин-а?..

Ҳабиб СИДДИҚ

ҳақи, кимгадир кўнгиладан чиқариб миннатдорчилик, де-



Илгари бунақа бўлмаганлиги аниқ. Лекин шу кунларда сайёрамизда аллақандай бошқача магнит бўрони кўтарилаётган эмиш. Ана шунинг таъсирида...

Ижтимоий тармоқларни ўйлаб чиқарганларни ҳам... оғзимга нима келса шуни деб сўкиб ўтирибман. Аввалига бўлмаган гап, агар шунақа бўлганда бу вақтгача қанчаси пора талашиб сузишиб юришган бўларди деб ўйловдим. Лекин, ўша блогер ҳам гапини ўзича асослабдики, тезда бутун тармоқда шов-шув кўтарилиб, виртуал ҳаётдан реал ҳаётга ҳам чиқиб келди.

Эрта тонгданоқ кўнглимга қил сифмасдан, бошим қотиб ётиб, ёнимни қиздираётгандек қўл телефонимни олиб ўша машъум хабарни яна бир бор ўқидим.

Телефонимни четга улоқтириб хотинимнинг пардоз столи устидаги кўзгу томон отилдим. Бурним кўзгуга тегиб қоладиган даражада яқин бориб разм солдим. Кўнглим бўлмай бошимни у ёқ, бу ёққа буриб қайта-қайта қарадим ва беихтиёр илтижо қилдим:

— Э, Худо, шарманда қилма.

Илгари бунақа бўлмаганлиги аниқ. Лекин шу кунларда сайёрамизда аллақандай бошқача магнит бўрони кўтарилаётган эмиш. Ана шунинг таъсирида... Шох бирдан пайдо бўлмас экан. Аввал соч мисол тук пайдо бўлиб, кейин олган пора салмоғига мос тезлик билан ўсиб буй кўрсатармиш.

Ўйлаб кўрсам, ишонмасликнинг ҳам иложи йўқ. Ахир кейинги пайтларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қанча воқеалар бўлиб ўтди-ку.

Тавба, деб қўйишади баъзилар, ижтимоий тармоқда муносабат билдираркан, текин тешиб чиқади, деганлари тўғри экан-да, а?..

Мана энди бутун бошли корхонамиз алғов-далғов бўлиб ётибди. Тўғри, ҳаммани ўшанақалар қаторига қўшиб қўйиш инсофдан эмас. Лекин ишхонамиз ҳам ҳар турли масалалар ҳал бўладиган жойда. Келганлар ҳам, бировни ака, бировни ука деб иш битириши бор гап. Бу орада унча-мунча олди-бердилар ҳақида ҳам гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона гап-сўзлар ҳам бўлиб туради. Имзолаганга қўл ҳақи, кўрганга кўз

мияти қодаларига кўра қиз бола тўйгача ўз бокиралигини асраши керак. Қиз болани ижтимоий ўлдириш учун эса унинг бокиралигини тўйдан олдин олиб қўйиш кифоя.

Яқинда Сурхондарёда ўзини осиб қўйган қиз мисолини олайлик. 3 болали, оилали эркек у қизга нисбатан худди шу ишни қилган, яъни қизни ижтимоий томондан ўлдирган.

Қизнинг ота-онаси эса исноддан қочиб, уни ўзининг "қотили"га турмушга берган. Эркек эса қамалмаслик учун ўзи, оиласи, ижтимоий муҳити қарши бўлса ҳам қизни иккинчи хотин қилиб олган. Олишга олган, лекин ижтимоий ўлиб бўлган қизни асрашнинг ўрнига уни баттар хўрлаган. Бунинг устига унинг биринчи хотини келиб кундошини эзиши ҳали ҳаёт нималигини кўрмаган қизни боши берк кўчага олиб кириб қўйган. Қизнинг мавжуд иштимоий ришталари узилиб

фаза хизматлари, психологик мададлар ва бошқалар бор. Улар ўзини ўлдиришга уринганлар, муаммолари ортиб кетиб, ўзини ўлдириш ҳақида ўйлай бошлаган инсонларни ташлаб қўймайдилар.

Аммо энг асосий қилиниши, ҳамма эътибор бериши керак бўлган иш бу ҳар доим атрофдагиларга кўз-қулоқ бўлиш, уларнинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик, бирон дарди бўлса, тинглаш, ёрдам бериш, бир-бировга меҳрибон бўлишдир.

Баъзан ўсмирлар отаси ёки онасидан гап эшитгани учун ҳам ўз жонига қасд қилиб қўйиши мумкин. Чунки ўсмирнинг бор дунёси ўзи истиқомат қиладиган уйдан, унинг ижтимоий ришталари ота-онаси ва ака-ука, опа-сингилларидангина иборат бўлади. Агар ўсмир отаси ёки онаси томонидан мунтазам таҳқирланаётгандай, ўзини кераксиздай ҳис қилса, демак яшашдан маъно қолмади деб аҳмоқлик қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун агар айби бор бўлса-да, фарзандларни урушгандан кейин уларни ёлғиз қолдирмаслик, кейинроқ эса албатта меҳр билан сийлаш керак бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиз "Танатос Палас Отел" новелласида бир диалог бор. Унда банкир йигит аёлдан "Ўлимдан кўрқмайсизми?" деб сўрайди. Аёл эса

унга "Кўрқаман, лекин яшашдан ундан ҳам кўпроқ кўрқаман" деб жавоб беради.

ХУЛОСА

Ҳаётдаги барча муаммолар ўткинчи ва ҳеч қайси ижтимоий муаммо ўзини ўлдиришга арзитайди. У фақат шундай туюлади ҳолос. У бугун бор, эртага йўқ. Айрим ижтимоий муаммолар сиз билан бир умар яшаб ўтади, лекин бу дегани инсон ўзини ўлдириши керак дегани эмас.

Дунё давлатлари "ўлим жазоси"ни олиб ташлаётган бўлсалар, бунга сабаб улар дунёдаги ҲЕЧ НАРСА ИНСОН УМРИГА ТЕНГ ЭМАС деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий муаммолар инсонлар ўзларига яратиб олган муаммолардир. Уларни мен, сиз, бошқалар яратган эмаслар. Уларни минг йиллар давомида инсонлар турли сабаблар ва асосларга кўра яратганлар. Улардан айримлари фойдали, қолганлари бемаъни ва ҳатто зарарли.

Биз ўзимиз яратмаган ва айбдори бўлмаган нарсалар учун жонимизни қурбон қилишга мажбур эмасмиз!

Дониёр РЎЗМЕТОВ



бўлган. У орқага қайта олмайди, барчасини нолдан бошлаш олмайди, бузилиб кетишини хоҳламайди, уни ўзбек жамиятида бошқа биров олмайди. У ҳатто ўз ота-онасига ҳам керак эмас. Дунёда 7 миллиард одам бор, лекин у қизга яшашга умид бериш учун бир инсон топилмаган. Ва у ўз жонига қасд қилган.


Хитойда аёлларнинг суицидлари сони кўплигига ҳам Хитой жамиятида, айниқса қишлоқларда аёлларнинг ўрни ва қадри йўқлиги, уларни ёшлигиданоқ эрга бериб юбориб, ота уйида ҳам, эрнинг уйида ҳам бир умр эшакдай уриб ишлатишлари сабаб эканлиги айтилади.

ХЎШ, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК ?

Суицидларнинг олдини олиш учун халқаро миқёсда амалга оширилган ишлар бор. Булар совуқ қуроллар ва одамни ўлдирадиган захарларни инсонлар олишларини тақиқлаш, наркотик моддаларни таъқиқлаш ва алкоголь ичкиликларнинг нархини қиммат қилиб қўйиш ва ҳоказо чоралардир.

Бундан ташқари, кўплаб давлатларда ижтимоий муҳо-

Беморларни саралаш, эвакуация қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гуруҳлари тузилади.



Қўшрабoт тумани нурoта тоғларига уланиб кетган қадимий oқтов ва қоратов деб номланган тоғлар oрасида жойлашган ҳудуддир. Сервиқор тоғлари, дараларидан oқиб тушаётган тоза суви, сўлим ҳавоси, дарахтзорларга бойлиги, турли-туман ўт-ўланларнинг сероблиги жуда ёқимли ва кишининг кўнглига роҳат бағишлайди.



ФАЙЗГА БУРКАНАЁГАН

Умуман олганда, илгари мамлакатимизнинг бир неча ҳудудларида турли вазифаларда ишлаганимда туман ҳақида чорвачилик, галлачилик, хусусан, майизчилик билан шуғулланишлари ҳақида кўп эшитгандим. Айниқса, туман аҳолиси билимга кўпроқ эътибор бериши, ҳар қандай вазиятда фарзандларини олий ўқув юртларида ўқитиши, деярли ҳар бир олий даргоҳда қўшрабoтлик олимларни кўришимиз мумкин. Тақдир тақозоси билан фаолиятимни шу юртда давом эттираяпман, туман аҳолисининг қалбига йўл топишга, уларнинг ҳаётдан рози бўлишларининг таъминланишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпман.

Бизга маълумки, Қўшрабoт тумани тарихи ҳали яхши ўрганилмаган. Кейинги уч йил давомида олиб борилган қазилма ишлари натижасида Минишкор қишлоғида жойлашган гордан топилган тош қуроллари ишлов бериш техникасига кўра сўнгги палеолит (эр.ав. 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади) даврига мансубликни билдирмоқда. Мутахассислар бу топилмалар ёшини 30-25 минг йилликларга оид, деб ҳисоблашмоқда. Шунингдек, Қўшоғоч ҳамда “Кўрғон” маҳалласига қарашли Камар қишлоқларида топилган “осуарий”, “остадон” қадимий Зардуштийлик динига оидлигини кўрсатмоқда. Бу эса туманимиз ҳудудида анча қадимдан аҳоли истиқомат қилгани, моддий-маънавий мерос объектлари, қадамжолар кўплигини кўрсатади. Ҳали туман тарихини ўрганиш, зарур маълумотларни топиш, уларни келажак авлодга етказишдек муҳим ишлар, амалга оширилиши лозим бўлган тадқиқотлар қатор масалаларга аниқлик киритади деб умид қиламиз.

Бугун туманимиз маркази ва қишлоқларимиз қиёфасининг кундан-кун чирой очиб бораётгани, кам таъминланган, уйга муҳтож фуқароларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш истагида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган шинам уй-жойлар, инфратузилма тармоқлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари замирида Ўзбекистонда инсон манфаатлари барча нарсдан устун эканлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг дастлабки натижалари аҳоли-

нинг ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, одамларнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Юртимизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун” деган олийжаноб гоёни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш мақсадида муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан туманимизда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 38 та арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиб, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож оилаларга топширилди.

Халқимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлади. Таҳлилларга кўра туманимизда 11000 дан зиёд боғча ёшидаги фарзандларимизнинг атиги 11 фоизигина мавжуд боғчаларга қамраб олинган эди, холос. Кейинги уч йилда бу кўрсаткич 45 фоизга етказилди. Жорий йилнинг охиригача, агарда карантин қоидалари юмшатилиб, боғчалар ўз иш фаолиятини бошласа, қарийб 64 фоиз болаларимиз мактабгача таълим ташкилотларига жалб этилади. Жорий йилда 16 миллиард 185,9 миллионлик сўм қийматига эга бўлган 5 та мактабгача таълим муассасаси қурилиб, болаларни қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилди. Бундан ташқари, давлат хусусий шерикчилик асосида 150 дан зиёд болани қамраб олишга мўлжалланган боғчаларни қуришни бошладик.

Шунингдек, 45 дан зиёд оилавий боғчалар рўйхатга олинди. Агарда ўтган йилларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, туманимизда 2018 йилгача биронта тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳа мавжуд бўлмаган бўлса, кейинги икки йил давомида қарийб 1,8 миллион АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 8 та корхона ташкил этилди. Шунингдек, 2018 йилда 870 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йил биринчи ярим йиллигида 2169 тани ташкил этмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир секторда 100 тадан хонадонда 2-3 сотихли енгил

конструкцияли иссиқхоналарни қуриб бериш бўйича ишлар бошланди ва бунинг натижасида 400 дан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Бунга амалга ошириш учун туман тижорат банклари томонидан 100 дан ортиқ лойиҳалар шакллантирилиб, бажарилган ишлар бўйича имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Жорий йилда туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича умумий қиймати 126 миллиард сўмлик 41 та лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, вилоятдаги барча тижорат банклари томонидан умумий қиймати 236 миллиард сўмлик саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат соҳаларидаги қўшимча 115 та янги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, 947 нафар фуқароларни янги доимий иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур янги иш ўринларига минимал даражада, яъни 680 минг сўмда иш ҳақи ҳисобланганда, ундан 12 фоиз даромад солиғининг ўзи бир ойда 77 миллион сўмни таш-



кил этса, бу бир йилда туман бюджетига қўшимча 927 миллион сўм тушишини таъминлайди.

Ҳозирда биринчи ярим йиллик якуни билан умумий қиймати 16 миллиард сўмлик саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича 15 та лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 235 нафар янги иш ўринлари яратилиб, бунда 35 нафар камбағал оила аъзолари ишга жойлаштирилди.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан биз каби олис туман учун ҳам тад-

биркорлик субъектлари сонини кўпайтириш, ҳам аҳоли ўзини-ўзи банд қилиб, қонуний асосда иш юритиши учун аини мудао бўлди.

Ушбу қарор қабул қилиниши билан 2020 йил 1 июлдан ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари 67 тага кенгайтирилди. Натижада биз ўз олдимизга 1229 та фуқаронинг ўзини-ўзи банд қилиш режасини белгилаб олганмиз ва ушбу режа бўйича бугунги кунда 646 та фуқаро бандлиги таъминланди. Шунингдек, саноат, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида 80 та лойиҳа ишга туширилиб, 749 янги иш ўринлари яратилди.

Туманимиз аҳолисини қийнаб келаётган ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида Саудия тараққиёт фонди томонидан ажратилган 36,6 миллион АҚШ доллари ҳисобидан ичимлик суви ва оқова тармоқлари қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Хитой инвестор қурувчиларини жалб қилган ҳолда Қўшрабoт туманида ичимлик сув таъминоти бўйича ишлар қизгин давом этмоқда.

Жумладан, 56 та қишлоқ аҳоли пунктларида 56 та ичимлик сув иншоотлари, 552 километр ичимлик сув тармоқлари қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши режалаштирилган эди. Лойиҳа доирасида қурилиш ишлари 8 та ЛОТ асосида олиб борилмоқда.

Жорий йилда лойиҳа доирасида 24,0 миллион АҚШ доллари маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, 1 июль ҳолатига 22,0 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилишига эришилди. Мазкур ишлар амалга ошириш натижасида Қўшрабoт туманида 65 минг нафар аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Туманимиз асосан чорвачилик ва лалми деҳқончилик-

ка ихтисослашган. Умумий ер майдони 215 минг гектарни ташкил этади. Шундан 39 минг гектаригина ҳайдалган лалми ерлардир. Йиллар давомида бу ерларда фақат галла ва нўхат экилган. Аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланиб келган. Сув масаласи, қолаверса, бу борда тажриба ва кўникманинг йўқлиги сабабли туманда яқин йилларгача одамлар деҳқончилик билан деярли шуғулланишмаган.


Ҳозирги кунда туманда 624 та фермер хўжалиги, 3780 та деҳқон хўжалиги ташкил этилган. Уларда 5834 нафарга яқин аҳоли иш билан банд.

Пандемия шароитида аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Россиядан 21 та бургулаш техникалари келтирилиб, 330 метргача ер остидан сув чиқаришга эришилди.

Жўш ҳудудида ўтган йили ташкил этилган “Нихол майсазори” фермер хўжалиги томонидан 4 та артезиан қудуғи орқали сув чиқарилди. Айни кунларда бу ерда 35 гектар ерда узумзор барпо этилган бўлиб, экин майдонлари томчилатиш усули орқали суғорилмоқда. Хўжалик ташаббуси билан узум қатор ораларига сабзавот ва полиз экинлари билан бирга илк бор картошка экилди, айни пайтда бу экинлар ривожини анча яхши.

Яна бир эътиборли жиҳати, тумандаги фермерлар Наманган вилоятининг Чуст тумани деҳқонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Жорий йилда Намангандан 150 дан ортиқ оила келиб, фермерларга кўмак беришмоқда. Натижада ток қатор ораларида ҳам сабзавот ва полиз экинлари парваришланиб, плёнка остида қовун-тарвуз етиштириш мумкинлиги амалда исботланмоқда.

Таъкидлаш керакки, коронавирус эпидемияси бутун дунёда бўлгани каби, бу мураккаб жараён юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шундай вазиятда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз ҳам



Ўзбекистонда жорий этилган карантин чекловлари жорий йилнинг 15 августига қадар узайтирилди.



жуд. Келгусида ушбу майдонлардаги узумлар тўлиқ ҳосилга киргандан сўнг, йилига ўртача 55 минг тонна узум ҳосили етиштирилади.

Аҳоли истеъмолига етиштирилган узум маҳсулотининг 20-30 фоизини ажратадиган бўлса, қолган 70-80 фоизи майиз етиштиришга қолади. Бу (4 килограмм узумдан 1 килограмм майиз олинади) 10-12 минг тоннадан зиёд майиз маҳсулоти олинади, деганидир.

Боғдорчилик ер майдонлари 2018 йилда туман ҳудудига

1100 гектарга яқин бўлган бўлса, 2019-2020 йиллар давомида янги 2800 гектарга яқин янги мевали боғзорлар ташкил қилинган.

Шунингдек, туманимиз ўсиш нуқтаси деб, тоғ-кон саноатини ҳам бемалол айтишимиз мумкин. Хусусан, бугунги кунда қуриладиган замонавий биноларнинг асосий қурилиш хом ашёси ҳисобланган гранит, мрамор, кварц каби бой ер ости захираларига эга.

Бу борада, бугунги кунда Зарбанд қўғонигаги мрамор тоғларидан фойдаланиб, қурилиш мрамор плиткалари ишлаб чиқариш йўналишида 7 та корхона фаолият юритмоқда.

Жорий йилда улардан учтаси Хитой давлатидан замонавий тош кесиш ва сайқаллаш ускуналарини келтириб ўрнатди. Бу эса, нафақат маҳсулот сифатини ошириш, балки экспорт имкониятларини оширади.

Бугунги кунда Қозоғистон давлати билан пардозбоп тошларни етказиб бериш бўйича экспорт шартномаси имзоланди.

Туманимизнинг Зармитан ҳудудидаги кварц тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Туркия давлати билан қўшма корхона ташкил этилиб, ҳозирда 553 минг АҚШ доллари миқдоридagi ҳорижий инвестиция киритилди.

Умуман пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида мен бошчилик 4 та секторда ҳамда барча иқтисодий комплекс раҳбарлари томонидан бор имкониятлардан фойдаланилиб, барча раҳбар ва мутахассислар бор куч-ғайратларини ишга солишмоқда.

Мухтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ҳамда “Обод марказ” дастурлари бўйича ўтган йили туманимизнинг энг чекка ҳудуди бўлмиш Жўшда кенг қўламдаги ободончилик ишлари амалга оши-

рилди. Таъкидлаш керакки, Жўшда асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаровон яшаш учун қулайлик яратишга етарли эътибор қаратилмагани оқибатида қишлоқ аҳолисининг аксарияти мураккаб шароитда, қийналиб яшаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Йиллар давомида қаровсиз қолиб келган йўллар қишда лой, ёзда чанг-тўзон, аҳоли учун сув, газ муаммоси, қишлоқда касал бўлиб қолган киши қийналиб бўлсада, туман марказига ёки вилоятга боришга мажбур бўлишган. Умуман олганда, “Обод қишлоқ” дастури асосида нафақат Жўш қишлоғининг маркази, балки шу атрофдаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 48 та қишлоқда кенг қўламдаги ободончилик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, 130 километр юришга мутлақо яроқсиз йўлга қум-шағал тўкилиб, яхшиланди. 50 километрдан ортиқ йўл асфальтланди, 9 та МТМ, 11 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси, 2 та оилавий поликлиника, 5 ҚВП, 19 та мактаб, ўзбек халқ дostonчилиги асосчиларидан буюк бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли уй-музейи, ўн асрлик тарихга эга “Жўш ота” жоме масжиди, “Жўш деҳқон бозори” янгидан қурилди. Қирқдан ортиқ бозор инфра-тузилма объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, мингдан ортиқ ҳудуд аҳолиси газ баллонлари билан таъминланди. Электр таъминотидаги муаммолар бартараф этилди, 15 километрдан ортиқ кўча чироқлари ўрнатилди, пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Ўн мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, ҳудуддаги мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари уй-жойлари замонавий талабларга мос равишда ўзгартирилди, 100 га яқин хонадонлар уй эгалари ёрдами билан таъмирланиб, бепул қурилиш материаллари билан таъминланди.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти ва унинг қадр-қиммати юксак эъзоз топган юртимизда фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, шу заминда яшаган аждодаларимиз маънавий меросининг содиқ давомчилари сифатида камол топтириш борасида олиб борилган ҳаракатлар бугун ўзининг дастлабки меваларини бермоқда.

Кўшработ азалдан зиёлилар, олимлар юрти сифатида эътироф этилади. Худди буни

исботлагандай, домла Камолдин Олим ўғли яшаб ўтган Шова қишлоғидан 2 нафар - Ойбек Абдумўминов ҳамда Бекзод Ирзаевлар докторлик диссертациясини ёқлагани бутун туманимиз аҳлини хурсанд қилиб юборди.

Яна қувончи хабарлардан бири бу туманимиздан 2018 йилда Раъно Яхшиликоча ҳамда жорий йилда Камола Мусулмоноваларнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлигидир. 1999 йилда таъсис этилган ушбу мукофот билан ҳали туманимиздан биронта қиз тақдирланмаган эди. Шахсан Юртбошимизнинг қўлларидан ушбу мукофотни қабул қилиб олган қизларимиз туманимизнинг фахри ва ифтихорига айланди, десам муболаға бўлмайди. Яқинда яна бир хушxabар келди. Яъни, Зулфия мукофоти билан тақдирланган Камола Мусулмоноваларнинг оиласи “Энг яхши китобхон оила” вилоят кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, вилоят ҳокимининг соврини - “Спарк” автомобили билан тақдирланди.

Спорт соҳасида ҳам туманимиз ёшлари улкан муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи Чарос Баликова 100 катакли шашка бўйича 3 карра Ўзбекистон, 1 карра Осиё ва 4 карра жаҳон чемпионига айланди. Украинанинг Львов шаҳрида ўтказилган 20 ёшлилар ўртасидаги жаҳон кубогининг тенгдошлари ўртасида ҳамда катталар ўртасида ҳам биринчиликка лойиқ деб топилди, 2 та олтин медални қўлга киритди. Қувонарлиси ушбу галабалардан кейин Чарос ақл гимнастикаси бўйича спорт устасига лойиқ деб топилди.

Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида армрестлинг бўйича Осиё чемпионатида туман “Болалар ва ўсмирлар” спорт мактаби ўқувчилари - Диёра Бозирова 1-ўринни, Зулайхо Болиева 2-ўринни, Шоҳиста Юсупова 3-ўринни эгаллашди.

Ана шуларни ҳис қилган ҳолда ёшларга мустақиллик, миллий гурур ғояларини синдириб бораётган халқ таълими соҳасидаги зиёлиларимизнинг тинимсиз меҳнати самараси ўлароқ бугун ёшларимизнинг онгу-тафаккури ривожланиб бормоқда.

Ҳиммат ОҚБЎТАЕВ,
Кўшработ тумани ҳокими

Ўзбек халқининг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди.

Шундай умумхалқ ҳаракати доирасидаги тадбирлар туманимизда ҳам ўтказилиб келинмоқда. Дастлаб камбағал аҳоли қатлами билан узлуксиз ишлашни таъминлаш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш ва иш самарадорлигини ошириш

картошка уруғлари олиб келиб экилди. Ҳар бир оила тадбиркор лойиҳаси бўйича ўтган 2 йилнинг ичида 90 миллиарддан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Буларнинг асосий қисми сув қудуқларини қазिश ва четдан 6000 бош насли қўйлар, 1500 бош насли эчкиларнинг олиб келинишига йўналтирилиб, ҳозирда уларнинг сони 15000 бошга етди.

Туманимизнинг ўсиш нуқталари — драйверларини белгилаб олганмиз. Бизнинг туманимиз ҳудуди 216 минг гектар бўлиб, шундан 150 минг

Қўшработ



мақсадида ҳар бир маҳаллада “Камбағал аҳолини рўйхатга олиш ва уни қисқартириш” дафтари ва секторларда “Темир дафтар” ташкил қилинди ҳамда аниқланган 1684 та эҳтиёжманд оила унга киритилди ҳамда 1 миллиард 800 миллион сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Уйма-уй юриб шунга амин бўлдики, эҳтиёжманд фуқароларнинг барчасига ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул маблағлари бериш эмас балки доимий иш ўрни билан таъминлаш лозим.

Бу борада туманимизда 3131 нафар камбағал фуқарони иш билан банд қилиб камбағалликдан чиқариш режалаштирилди. Натижада жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида 2007 нафар ана шундай фуқароларимизнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Туман аҳолисини йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаш мақсадида қилинган ҳисоб-китобларимизга кўра мезёр бўйича 5,6 минг тонна гўшт, 878 тонна пиёз, 2,5 минг тонна сабзи, 6,8 минг тонна картошка каби маҳсулотлар зарурлиги аниқланди, бу зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан туман аҳолисини тўлиқ таъминлаш имконияти мавжуд.

Ички бозор талабини тўлиқ қоплаш ва нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида 856 тонна картошка, 329 тонна пиёз, 316 тонна сабзи, 448 тонна бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратамиз.


Муқаддам туманда мутлақо четдан картошка уруғи олиб келинмаган бўлса, жорий йилнинг ўзида 700 тоннадан зиёд

гектари яйлов ер майдонлари ҳисобланади. Шундан кўришиб турибдики, туманимизда чорвачиликни ривожлантириш учун энг қулай имконият мавжуд. Биз келгуси фаолиятимизда йирик-йирик чорвачилик лойиҳаларни амалга ошириш, авваламбор уларнинг бош сонини кўпайтиришга катта эътибор берамиз. Бу эса, кейинчалик соҳада тери ва жунни қайта ишлаш саноатининг кириб келиши заминини яратади.

Ҳозирги кунда туманимизда 450 минг бошдан ортиқ қўй ва эчкилар мавжуд бўлиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Энди ҳисоб-китоб қилсак битта қўйнинг бир йилда икки марта жунни қирқилиб, бир бош қўйдан ўртача 1,5 килограмм жун олинади. Буни амалдаги мавжуд бош сонига нисбатан олсак, 600 тоннага яқин жун хом ашёси захираси мавжудлигини билдиради.

Шунингдек, аҳоли истеъмоли учун сўйиладиган қўй ва мол териларини қайта ишлаш саноати нафақат Кўшработ, балки вилоятимизда ҳам мавжуд эмас. Биз бу борада терини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш бўйича изланишимиз зарур. Чунки тери хом ашёсининг кўплиги жиҳатдан туманимиз катта имкониятга эга.

Туманимизда ўсиш драйверларидан яна бири, бизда узумчилик соҳасида катта имконият ва аҳолимизнинг етарли тажрибасининг мавжудлиги деб ҳисоблаймиз. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2018 йил январь ҳолатига туман бўйича узумзорлар 2500 дан зиёд гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирда умумий ҳисобда 5500 гектар узумзорлар мав-



2021 йил 1 январдан бошлаб, суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилади. Ўзбекистон Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи ҳам бекор қилинади.



Давлат ва халқ ўртасидаги “кўприк”

Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини тузиш таклифи илгари сурилган эди. Давлат раҳбари ўз мурожаатномасида таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш Ўзбекистон шароитида жуда муҳим бўлиб қолмоқда. Жамоатчилик палатасини тузишдан кўзланган мақсад – жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ҳамда давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатишдир.

раётган, яъни аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал қилиш ва уларнинг фикрларини тизимли равишда ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчиликни ташвишлантираётган муаммолар ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига таклифлар киритишда ҳам Жамоатчилик палатаси муҳим роль ўйнайди.

Жамоатчилик палатаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тайёрлаш ишларини ҳам амалга оширади. Бу орқали Ўзбекистонда ҳар йили фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид қилинаётган ишлар намён бўла бошлайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳукумат ва фуқаролар ҳамда ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни йўлга

қўйган ҳолда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳам Жамоатчилик палатасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қонун ижодкорлиги соҳасида Жамоатчилик палатаси фуқаролар, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва жамоатчиликда қизиқиш уйғатадиган қонунлар, қарорларни жамоатчилик билан келишган ҳолда маслаҳатлашувларга киритиш орқали фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий ва сиёсий онгини оширишни режалаштирган.

Ўзбекистонда сўнги йилларда хусусий секторга катта эътибор қаратилган, лекин мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ бир фойдали ишлар кам амалга оширилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш учун эса давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш зарур. Жамоатчилик палатаси бундай шерикчиликнинг механизмларини жорий этиш мақсадида давлат ва хусусий сектор субъектлари учун “кўприк” вазифасини бажаради.

Бундан ташқари Жамоатчилик палатаси Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида “Жамоатчилик эшитуви”, “жамоатчилик мониторинги”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик ташаббуси” каби назорат шакллари тузишни амалга оширади. Шундан келиб

чиққан ҳолда турли соҳаларда амалга оширилаётган ишлар устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштирилади, уларни сифатли бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда эришилган кўрсаткичлар, ижобий ўзгаришлар, мавжуд муаммолар тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасига мунтазам киритиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги рейтингини янги поғоналарга кўтаришда халқ дипломатиясининг ўрни жуда катта. Шу муносабат билан Жамоатчилик палатаси Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтлари ёрдамида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотларига халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш каби муҳим ишларни амалга оширади.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифалар ёрдамида Жамоатчилик палатаси Ўзбекистонда жамоатчилик ва давлат органларининг мустақам ҳамкорлигини яратади ҳамда фуқароларнинг муаммоларини ечишга ёрдам беради.

Баҳриддин ЗИЯТОВ,
Фуқаролик жамиятини
ривожлантириш маркази
катта мутахассиси

Янги тузиладиган Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик Палатаси давлат, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўяди. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш орқали уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида фаол иштирок этишига қўмаклашади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда реал муаммога айланиб бо-

рали мулоқотни йўлга қўяди.

“... Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”

Эҳтиром

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган илм ва виё маскани. Мазкур қутлуғ даргоҳ шу бугунга қадар не-не буюк зотларга чинакам Байтул ҳикма бўлгани айни ҳақиқат.

Мана, 102 йилдирки фан, таълим, ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг турли жабҳалари учун малакали кадрлар етиштириб келмоқда. Табиий ва фундаментал фанлар йўналиши бўйича О.С.Содиқов, Т.Зоҳидов, Т.Қори Ниёзий, Т.С.Саримсоқов, С.Ҳ.Сирожиiddинов, ижтимоий гуманитар фанлар бўйича И.Мўминов, Ю.Буряков, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ф.Каримов каби буюк сиймолар айнан шу даргоҳда ўз фаолиятини олиб борган.


мутафаккир Алишер Навоий хазратлари таъкидлаганидек;

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Инсон ҳаётида шундай устозлар бўладики, улар ҳар томонлама сенга баркамоллик сари одимлашга туртки беради. Ана шундай устозлардан бири, ҳеч шубҳасиз, геология-минералогия фанлари номзоди, доцент Иброҳим Фаниев. Боиси Иброҳим ака том маънодаги камтарин инсон, фидойи мураббий, меҳрибон устоз мутахассис геолог сифатида кўплаб ўқув қўлланмалари, дарсликларга муаллиф ва бир қатор илмий монографияларга ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган. Республикаимизда

чош этиладиган геология илмига оид газета, илмий журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда. Иброҳим ака фанга нисбатан талабчан, касбга нисбатан фидойи, шогирдларга меҳрибон



устоз. У киши бизга геология соҳасининг фойдали қазилмалар геологияси ва петрографик тадқиқод усуллари фанлари бўйича сабоқ берди.

Устоз узоқ йиллар давомида айнан шу ихтисослаштирилган соҳалар бўйича илмий изланишлар олиб борди. Мен қаерга бормай, доимо шу қутлуғ даргоҳда, улуғ устозлардан таҳсил олганлигимдан қалбимда фахр ва ифтихор туяман. Аслида геология соҳасида фаолият олиб борган машҳур олимлар ва устозлар ҳақида маълумотлар эсдаликлар бармоқ билан санарли даражада. Балки бундан кейин бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ҳар ҳолда мамлакатнинг иқтисодиётининг устивор йзналишларидан бири бўлган мазкур соҳа вакиллари уларнинг ҳаёт


йўли ва фаолиятига етарлича эътибор беришни бугунги куннинг ўзи тақозо қилмоқда деб ҳисоблайман.

Соҳага улкан ҳисса қўшган, жаҳонга машҳур олимларимиз ҳақида ёшлар ва кенг жамоатчилик ҳам яхши хабардор бўлиши керак назаримда. Бунинг учун эса юқоридаги каби устозлар фаолиятига бағишланган хотиралар уйғонмоғи лозим бўлади. Етишиб келаётган ёш авлод, хусусан, ушбу соҳа вакиллари онгида геология илмига бўлган қизиқиш ва эҳтиром айнан шундай устозларимиз ҳаёти ва умр йўллари орқали яна бир даражада юксалса, не ажаб!?

Эшпўлат ЖУМАНОВ,
Ўзбекгидрогеология ДУК
гидрогеолог

Мен мазкур таълим даргоҳига 2009 йилда келганман ва ушбу университетнинг Геология куллиётига ҳужжат топшириб талаба бўлганман. Бизга сабоқ берган барча устозларимиз олдида биз шогирдлар қарздормиз аслида.


Мен мазкур таълим даргоҳига 2009 йилда келганман ва ушбу университетнинг Геология куллиётига ҳужжат топшириб талаба бўлганман. Бизга сабоқ берган барча устозларимиз олдида биз шогирдлар қарздормиз аслида. Буюк



Тиббиёт ОТМ битирувчилари вазият оғир бўлган ҳудудларга жалб қилинади.

Шоира эндигина 32 ёшни қоралашига қарамай, соғлиғи ёмонлашди. Тез-тез бели оғриб, букчайиб қолар, кўнгли безовта қилиб, бошидан шикоят қиларди. Фарзандлари ҳали ёш: катта ўғли 6, кичиги эса эндигина 3 ёшга кирганди. Аввалига Шоира оддийгина шамоллаш деб, юзаки қаради. Бора-бора аҳволи оғирлашиб, ётиб қолди. Шифокорлар кўриқдан ўтказиб, пойтахтга "Онкология" шифохонасига юборишди. Ташхис ҳали аниқ бўлмаса ҳам, Шоира барчасини тушуниб етганди. У нукул йиғлар, фарзандлари жуда ёшлигини, фақат уларнинг келажagini ўйларди.

"Нега ташлаб кетдингиз, она?!"



Ташхис натижасида кўрққани ўз исботини топди. Шоиранинг санокли кунлари қолганди... Ўғиллари Нодир ва Нозимдан бошқа дарди қолмади. Касаллик эмас, мурғак болаларининг чирқиллаб қолиши уни адо қилди. Шерали хотинининг кўз олдига гулдай "сўлиб" бораётганини кўриб, қўлидан ҳеч нарса келмаётганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Ўлим ҳақ. Начора, тақдир на Шоирани, на унинг фарзандларини аяди. Таъзия куни Шоиранинг кичик ўғли Нозим ҳеч нарсага эътибор бермас, ҳар доимгидек ўйнаб юрарди. Нодир эса атрофга хайрон боқар, амма-холаларининг йиғлаб дод-фарёд солётганига фаҳми етмасди.

Катта холаси келиб, Нодирни қаттиқ бағрига босиб, "Онанг энди ҳеч қачон қайтиб келмайди", дея ўқиб-ўқиб йиғлади. Охири пайтлар онаси тез-тез шифохонага даволаниб келиш учун бориб, узоқ вақт қолиб кетарди-да. Оналари яна соғайиб, қайтиб келишига жуда-жуда ишонарди. Нодир овози титраб, йиғи аралаш: "Онам соғайиб қайтиб келади", деди. Маърака, маросимлари тугаб, қариндошлар тарқалди. Аммаси Нодирни, холаси Нозимни бироз овунсин деб, уйларига олиб кетди. Болалар бошида хурсанд юришди, вақт ўтиши билан, оналарини соғиниб, сўрай бошлади. Кунлар ўтди, кун кетидан ойлар ўтди. Болалар ўз уйларига қайтиб келди.

Шералининг ранги синик, болаларнинг эса кўзлари кулмасди. Қариндош-уруғ Шералини ўртага олишди, болаларга она, уйга эса битта аёл кераклигини ўқтиришди. Шерали базур рози бўлди. Опаси Малика узоқроқ бир тумандан ўқитувчи аёлни топибди. Айтишларича, раҳматли Шоирага қуйиб қўйгандек ўхшармиш. Исми Маҳфуза, туғмас аёл экан. Фарзанд кўрмагани

учун болаларга меҳрини берар, оналик қилар деб ўйлашди. Кичикроқ дастурхон ёзиб, "келинни" олиб келишди.

Бошида ҳаммаси изига тушгандек эди. Болаларнинг уст-боши оқариб, хурсанд эдилар. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Болалар бирпасда маъюсланиб қолди. Улар кўчага чиқмас, ҳеч ким билан гаплашмасди, бошқалар билан ўйнамасди. Шерали чет давлатга ишлаш учун кетадиган бўлиб қолди. Кетиш олдидан ака-укалар, қариндош-уруғ хайрлашиш учун йиғилди. Шерали маълум муддатга жўнаб кетди. Қариндошлар ҳам бирин-кетин тарқалишди.

Раҳматли Шоиранинг опаси Шарофат кун бўйи юраги гашланиб, безовта бўлар, ичига чироқ ёқса ёришмасди. Уйда юмушлари кўпайиб, кўёви Шералини кузатишга ҳам бора олмади. Кун ботар чоғи бўлди ҳамки гашлик кетмади. Шарт ўрнидан турди-ю, жажжи жиянларини кўриб келишга отланди. Турмуш ўртоғи ва болалари "эртага борарсиз", дейишса ҳам, "Мени бўри ермиди", деб йўлга тушди. Шарофат қоронғи чўкканда синглисиникига етиб келди...

Маҳфуза эшик олдига Шарофатни кўриб, тош қотди. Шарофат болаларни сўради, жавобни ҳам кутиб ўтирмай, ичкарига отилиб кирди. Не кўз билан кўрсинки, болалар кўрпага ўранганча, миқ этмай ётишарди. Шарофат шоша-пиша жиянларини кучоқлаб, бағрига босарди. Болаларнинг йиғидан кўзлари қизариб, шишиб кетган, баданлари калтак зарбидан қорайиб кетганди. Кучли оғриқ иситма берар, сўзлашга ҳоли йўқ эди.

Шарофат Маҳфузага ташланди. Ҳовлидаги

бақир-чақирни эшитиб, кўшнilar чиқди. Шарофат амакиларига хабар берди. Нодир билан Нозимни олиб шифохонага жўнади. Қариндош-уруғ, кўни-кўшни хайратдан лол. Ахир, бугунгина дадаси жўнаб кетган эди. Наҳотки, Шерали жўнаб кетиши билан болаларни ўласи қилиб, дўппослаган бўлса?!

Шарофат Маҳфузани судга берди. Суд бу воқеани изчил ўрганиб, Маҳфузани оналик ҳуқуқидан маҳрум этди. Нозимжон ва Нодиржон кўрққанидан ҳеч кимга гапирмасди, нукул йиғларди. Гўёки, "Нега ташлаб кетдингиз, она?" дея ич-ичидан фарёд чекарди. Эҳ, болалар, онажонингиз дунёлардан воз кечса-да, сиздан асло воз кечмаслигини, сизларни ташлаб кетишни асло истамаганини билсангиз эди.

Бу воқеа анча дилларни ларзага солди. Болаларни кувонч буткул тарк этди. Энди улар ҳеч кимга ишонмай қўйишганди. Ҳатто, холасидан ҳам кўрқарди...

Орадан кўп йиллар ўтди, бугун улар ўсмир йигитчаларга айланишди. Ҳаммаси яхши, аммо... уларнинг кўзларида чуқур бир армон, мунгни кўрасиз. Яратган ҳар бир бандасининг бахтини тўқис айласин.

Гулноза ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси

"Пул" - "пул" дея суринар "куллар"

ОТА-ОНАДАН ЙИРОҚДА, УЛАРНИНГ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ УЧУН ТУНЛАРИ БЕДОР, САҲАРЛАРИ БАРВАҚТ ТУРИБ ДАРС ТАЙЁРЛАГАН ПАЙТЛАР. ТОНГ ҚОРОНҒУСИДА РЕПЕТИТОРГА ҚАТНАГАН ОНЛАР. ЎША ДАВРЛАРНИ БОШИДАН ЎТКАЗГАН ҲАР БИР КИШИ ҲЕЧ БЎЛМАСА БИР МАРТА "ЙЎЛКИРА БЕРИБ ТУРИНГ УЙИМГА ЕТИБ ОЛАЙ" ДЕБ ПУЛНИ ОЛГАНДАН СЎНГ ДОРИХОНАГА КИРИБ СПИРТ ОЛИБ ЧИҚҚАН ОДАМГА ДУЧ КЕЛГАН. ЎҚИШГА КИРИШ ИЛИНЖИДА ЮРГАНЛАР ҲАР НАРСАДАН НАЖОТ ИЗЛАЙДИ. ОЛЛОҲНОМИ БИЛАН СЎРАЛГАН ҲЕЧ НАРСАГА ЙЎҚ ДЕЯ ОЛМАЙДИ. ЭРТАЛАБДАН "ОВГА" ЧИҚҚАН МАНФУР КИМСАЛАР ЭСА УЛАРНИ-ДА АЛДАШДАН ЎЗИНИ ТИЙМАЙДИ. ИНСОН БОЛАЛАРИ НАҚАДАР ИШОНУВЧАН БЎЛИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ШУ ҚАДАР РАЗИЛ ВА ҲЕЧ НАРСАДАН ҚАЙТМАС ЭКАН.



Тинчлик бермас ўйлар оғушидаги бахтли лаҳзаларим. Ўша, ўқишга кириш илинжида репетиторга, кўшимча дарсларга югуриб юрган кезларим жуссаси кичик, бугдойранг, усти юпун бир киши хаёлларимни тўзғитиб юборди. "Ука, вилоятдан келгандим, қайтишга пулим етмайпти. Озроқ пул бериб тур" дея маъюс нигоҳлар билан менга термулиб турарди. Афсуски, узр сўраб, ёрдам қила олмаслигимни айтдим. Унинг аянчли аҳволини кўриб кўмак бера олмаганим учун ўзимдан ранжидим. "Мен ҳам айнан шу аҳволга тушиб қолсам нима бўларди" деб ичимни ит тирнади.

Баҳорнинг сўнгги кунларида қуёш қаттиқ киздирганидан репетитор вақтларини эрталабга кўчириб олганмиз. Бу тонг ҳам доимгидек, мен учун таниш кўчалардан ўз йўлимга равона бўлаётгандим. Аммо яна ўша таниш ҳолатга дуч келдим. Кўнглимда гашлик уйғонди: "Наҳотки кечаги киши ҳали ҳам кета олмаган бўлса"? "Қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор", деган гап хаёлимдан кетмай, ўзимни қўярга жой топа олмадим. Саломлашиб, қўлимдан келган моддий ёрдамни бердим. Шунда кўнглим анча ҳовуридан тушди...


Бу воқеа ёдимдан чиққан кунларнинг яна бирида ўша таниш манзарага дуч келдим. Ажабланирлиси, яна худди ўша одам. Бу сафар эринмасдан уни кузатдим. Менга ўхшаган

3-4 одамдан пул ундирди-ю, шу атрофдаги "Вино-водка"га кириб кетди. Бир пасдан кейин "тайёр" бўлиб чиқди ва секин...равона бўлди...

Вақт ўтиб, шаҳар кўчаларида худди шу усулда пул ундираётганлар кўпайиб кетди. "Ишбилармон кишилар"нинг янги усулига қойил қолмасдан илож йўқ, албатта. Пул гирдобига тушиб қолган "куллар" турли найранглар билан соҳасининг "етук кадри" бўлиши, шубҳасиз. У кабиларнинг иқтисодий тафаккурини ўзгартириш керак. Оскар Уайлд айтганидек "У кабилар пул ҳақида шу қадар кўп ўйлашади, зеро, улардан пулдан бошқа ўйлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Уларнинг муаммоси ҳам шундадир".

Наҳотки, тўрт мучаси соғ бўлишига қарамай, улар шу "касиб"ни танлашган бўлса. Наҳотки, барчадан изза бўлиб яшашни исташса. Наҳот, Яратганнинг энг буюк тухфаси бўлмиш ҳаётини жирканчлик бағрида ўтказишни хоҳлашса. Яна тагин улар ҳаётдан, одамлардан, даврдан норози бўлиши, дунёни ўзгартиришга уриниши кулгини қистайди. Зеро, Генри Форд айтганидек "Ҳаммасини ўзгартирсак, одамлар кунига уч маҳал овқат ейди деб ўйлаш аҳмоқликдир".

Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ,
ЎзЖОКУ талабаси



Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Яшаш урфдан қоляпти

Мен ўзимни замондан орқада қолганманми, деб ўйлайман гоҳо. Масалан, одамга яшашни учун нималар кераклигини кўп ўйлайман. Ёки одамнинг яшашига нималар халал бериши ҳақида хаёл қиламан.

Олдинлар шундай хаёл қилишган, ҳозир бундай нарсаларни ўйлашмайди. Балки, керакми, керак эмасми уйга ташийверишади — керак бўлиб қолиши мумкин, дейишади, лекин ўй камайди, чамамда.

Олдинлари оддий ўқитувчи ёки хўжалик ишчиси ҳам беш-олтита, ҳатто ўнга фарзандни боқиб, вояга етказа олар эди. Ҳозир икки-тагина боласини боқиш учун эр-хотин ишласа ҳам нимадир етишмай туради. Улар уйига тасо-дифан меҳмон келишини истамайди. Олдинлари ҳар куни меҳмон келса ҳам кутиб олишаверарди.

Олдинлари одамлар бир-бирининг ёнига шунчаки, иши бўлмаса ҳам гурунглашиш учун бо-раверарди. Ҳозир гуруннга вақт йўқ. Иши бўлмаса, биров-бирова кўнғироқ қилиши ҳам ноёб бўлиб қолди.

Олдинлар одамларнинг 99 фоизда йиғинди пул бўлмасди. Лекин кўрқмай яшаверарди. Ҳозир оддий мардикорнинг ҳам озми-кўпми йиққани бор. Агар йўқ бўлса, ҳаловати ҳам йўқ.

Аввал қўл билан овқатланардилар. Ҳозир қошиқ, санчқи,

пичоқ, сочиқ, салфетка, хитойи чўп ва тагин нималардир бўлмаса одамлар овқатлана олмайди. Овқатланганда ҳам ичига тушган-тушмагани номаълум.

Олдин бир киши билан кўришиш керак бўлса, ўша билан бир ой олдин аҳдлашиб кўйилса бас, ўша манзилга, айтилган вақтда борилар эди. Ҳозир телефонда

Олдинлари одамларнинг сони кам эди, орзулар катта ва кўп эди. Ҳозир эса аҳоли кўп, аммо орзулар майдалашиб қолди.

юз марта келишгандан кейин ҳам бирор нарса тўғри келмай қолиб ваъда бузиляпти.

Олдин қишдан бир жуфт пой-абзал, битта қалин кийим, ёздан ҳам оддий сатин ё чит кўйлак билан ўтаверарди. Ҳозир қишнинг қорли кунлари учун, қуёшли кунлари учун, шамолли фурсат учун алоҳида, бош-оёқ либослар бўлмаса кўнғил жойига тушмайди. Ёзни ҳам шундай кутиб оладилар. Имом Бухорийдай зотнинг бир жуфт либоси бўлган экан, агар уни ювишга берса, бошқа кўчалик либоси йўқ экан. Лекин у Имом Бухорий бўлган экан.

Олдинлари уч-тўрт хоналик бир уйда иккита келин тушириб олишар ва янги кўшилган икки оила олдинги ота оила билан бирга, йиллар давомида аҳилликда яшаб, фарзандлар кўриб юраверишарди. Бу уйга меҳмон ҳам келар эди. Ҳозир янги келинга янги уй бўлмаса бўлма-япти. Унинг уйида ётоқ, сеп-у жиҳозлар турадиган хона, алоҳида ҳаммом, хуллас алоҳида ҳаёт бўлиши керак. Бўлмаса муаммо чиқяпти.

Олдинлари қишлоқларда одамлар деворни оқлабгина кўйишарди. Уй шифтида тўсинлар кўриниб турарди. Уй аҳли ўтирадиган хоналар девори олис қишлоқларда ҳатто лойсувоқ бўларди. Лекин бу уйларга меҳмон кўп келарди. Ҳозир Рамзиддин исмли, умрининг кўп қисми шаҳарда устачилик қилиб ишлаб ўтаётган киши уйининг меҳмонхонасини роса 40 миллион сўмга пардозлаб, безаб чиқибди. (Бир инимиз — ўглининг ўртоғи, қарта ўйин баҳона бориб туради.) Бир кўрсам экан, нима қилган экан деб, уч-тўрт марта уйи ёнидан ўтдим, “кир” деёлмади.

Олдинлар ҳомиладор оналар бирор марта аппаратга тушмаса ҳам, кун бўйи пахта терса ҳам болалар омон-эсон туғилаверарди. Ҳатто кўплаб қишлоқларда болалар уйда дунёга келарди. Ва кў-ўп туғилардилар. Ҳозир ҳали туғилмаган гўдак ота-онасидан

олдин ультратовушли нурлар таратадиган аппаратни танийди. Шу аппарат бўлмаса бу бола дунёга келмайдигандек. Илгари аёллар болалари туғилгунича унинг жинсини билишмасди. Олдинлар жинси деганда мато турини тушунишарди, холос. Ҳозир фақатгина мато турини тушунишмайди.

Олдинлари муаллимлар болани урушса, ота-онаси ҳам муаллимни ёқлаб фарзандига танбех берар, ҳатто тарсаки ҳам туширарди. Муаллим хато гапирмайди дерди. Ҳозир муаллим фарзандига ёмон гап айтса, уни судга беришяпти.

Олдинлари болалар маҳалла кўчасида тамаки чекмасди. Атрофдаги одамларни юз-хотир қиларди, аниқроғи кўрқарди. Ҳозир бола ўз маҳалласида чекиш ва ичишни ўрганиши мумкин. Бунга парво қилишмаяпти. Ҳа, десанг, демократия дейди.

Олдинлари илми бор кишилар намозини уйда ўқирди, ҳайит намозларини ҳам кўпчилик бўлиб муллонинг ёки бирор ўзига тўқроқ кишининг ҳовлисида адо этишарди. Сираям экстримистик руҳдаги диний секталар йўқ эди. Ҳозирда масжидлар очик, турли шаклдаги диний тарғибот дастурлари ишлаб турибди. Ҳар бир жамоат ибодатлари хавфсизлик билан назорат қилинган. Аммо динни ниқоб қилиб олган гуруҳлар мавжуд. Олдинлар Оллоҳ таолога оддийгина уйда ўтириб ҳам қаттиқ ишонишарди. Ҳозир эса минг бир ташвиқотдан сўнг ҳам иккиланишади.

Олдинлар фарзандларга “Болам олим бўлсин, элга нафи те-

гадиган катта инсон бўлсин!” деб дуо қилишарди. Ҳозир ёлғиз ўғлидан бошқа кишиси йўқ бева аёл ҳам “Болам пулдор бўлсин, прокурор бўлсин!” деб ният қилади.

Олдинлари одамларнинг сони кам эди, орзулар катта ва кўп эди. Ҳозир эса аҳоли кўп, аммо орзулар майдалашиб қолди.

Олдин ерга экиладиган қовун-тарвузларга ҳеч ким минерал ўғит бермасди. Полиэкинлари бўлганча бўлиб, фарқ пишиб ётаверар, кимдир палагига дори сепса, у сотса керак-да, дори беряпти дейишарди. Ҳозир палак эккан киши ерга уруғ қадамай туриб дори сепишни бошлади, то пишгунича. Аммо ҳосил аввалгидек эмас. Ҳатто чироқчининг лалми даштларида етилаётган бугдойга ҳам химикат сепилмаса ўсмай, ривож қилмай тураверади.

Олдинлар кўчада бировнинг машинаси бузилиб, эгаси бировга тайинлаб кетса, бир йил бўлса ҳам ўша уловга ҳеч ким тегинмасди. Ҳозир гаражда турган машинанинг ҳам у ер-бу ерини ечиб кетишяпти.

Одамлар олдинлари ўзларига керак нарсани олишарди. Ҳозир умуман кераксиз нарсаларга ўч бўлиб кетишди.

Олдинлар яшаш учун яшардилар. Ҳозир пул топиш учун ишлашяпти. Яшаш урфдан қоляпти.

Билмадим, ўзимни замондан орқада қолганманми, деб ўйлайман гоҳо...

Шодмонқул САЛОМ

Байрамларда сингилларимни табриклашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан. Бир воқеа ҳаётимда унутилмас бўлиб қолган. Ҳар гал Ҳайит келганида ўша воқеани эслайман ва сингилларим олдидаги акалик бурчим ёдимга тушаверади.

Тахминан 2010 йилларга қадар Ҳайит намозларини Тошкентдан атиги 70 километрча узоқликда бўлган она қишлоғим Турбатда ўқирдим. Намоздан сўнг ҳайитлар оралигида ўтиб кетган ҳамқишлоқларимнинг уйларига бориб, эл қатори ўтганлар ҳақида дуои фотиҳа қилардим.

1990 йиллар бўлса керак, кимнингдир хотирасини ёдга олиш мақсадида Қорамўйин деб номланувчи маҳалланинг Қоратош деб аталувчи жойига-ча бордик. Қорамўйинни Ондирис билан ажратиб турувчи ариқдан ўтишимиз билан подадан қочган ёки уйдаги арқондан ечилиб кетган катта буқа ўйноқлаб кела бошлади. Тўғри, буқа Испания ёки Лотин Америкасидаги жангари ёки бўрдоқиға боқилган эмас эди. Олдин қишлоқ буқаси эди. Аммо ўйноқлаб келиши кўрқинчли эди. Шунда менинг кўз олдимда умрбод сақланиб қолган воқеа юз берди. Кўчада бир гуруҳ ёш болалар, қизалоқлар ўйнаб юришар эди. Буқа яқинлашгач, тахминан 7-8 ёшлардаги болакай югуриб чиқиб, сингилли-

ни ҳимоя қилишга шайланди. Буқани биз катталар ҳай-ҳайлаб ҳайдашга уриндик. Лекин биздан кўра ўша 7-8 ёшдаги болакай ҳақиқий мардлик кўрсатган эди.

Ҳозир ўша бола 40 ёшларга яқинлашган бўлса, ажабмас.

У айни дамда нима билан шуғулланаётгани менга қоронғи. Бироқ сингилсини ҳимоя қилиб, буқа олдига югуриб чиққанингни ўзиёқ менга жуда катта ўрнатқ бўлган эди. Шу-шу ҳар йили Ҳайитлар келиши билан ўша воқеа ёдимга тушаверади. Сингилларимизни оддий сўз билан табриклаш ҳар бир аканинг вазифаси эканлигини ҳис қиламан. Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи сўнггида чол ва кампирга айланган ака-сингилнинг учрашуви — чолнинг «Зеби, Зеби» дейиши ёдимга тушади.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа. Бундан икки йиллар аввал машинада уйга кетаётган эдим, метронинг «Беруний» бекати атрофида бир боласини еталаб олган, иккинчи боласини кўтариб олган келинга кўзим тушди. Олдимдаги машиналар

Сингилсини ҳимоя қилмадиган акалар

тўхтар, аммо масофами ёки пулими тўғри келмай, ўз манзилларида давом этишар эди.

Машинамни болали ўша аёлнинг олдида тўхтадим. Қоракामीшга борар экан. Рози бўлдим. 6 ёшдаги ўглини стомотологияга олиб келган, тишини олдириб кетишаётган экан. Бола машинага ўтириши билан йиғлашни бошлади. Онаси уни тинчлантиришга уринди, мен ҳам ҳаракат қилдим — болакай йиғлашда давом этаверди. Талбалар шаҳарчаси («Вузгородок»)га яқинлашимиз билан 2 ёшлардаги қизалоқ аксининг йиғисидан кўрқиб кетди шекилли, у ҳам йиғлай бошлади. Биласизми, ундан кейин нима бўлди? Бу воқеа бир умр кўз ўнгимда қолса керак. Тиш оғриғидан йиғлаётган болакай бирданига йиғидан тўхтадида, сингилсининг бошини силаб овута бошлади. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Манзилга етиб бордик. Аёл 5 минг сўм узатди. Олмадим. Сингилсини ҳимоя қила оладиган болакайнинг мардлиги олдида 5 минг сўм кўзимга арзимас бўлиб кўринди.

Ҳар куни эрталабки ибодатдан сўнг қўлимни дуога очар эканман, пайгамбарларимиз, турбатлик азиз-авлиёлар, ота


авлод, она авлод қариндошларим, синфдошларим, устозларим, Турбатдаги қўни-қўшни, куда-андаларимдан жами 54 кишининг номларни бирма-бир тилга олар эдим. 2020 йилнинг 30 майдан бошлаб уларнинг сони 55га етди. Ўша куни соат 1дан 25 дақиқа ўтганида синглим Марғубанинг бу дунёни 55 ёшида (аслида 1 августда 55га кирар эди) тарк этгани ҳақида совуқ хабар келди.

Ҳар йили август ойининг биринчи яқшанбаси опа-сингиллар куни нишонланади, норасмий байрам. Бу биз ака-укаларнинг ҳам байрамидир. Негаки, болалик ва ёшлик даврингизда балки опангиз, балки синглингиз сиз билан жанжаллашган, баҳслашган, фикрингизга, қилаётган ишингизга қарши чиққан бўлиши мумкин. Аммо билингки, халқимиз тарихида опалар ҳам, сингиллар ҳам ўзлари кучсиз бўлган бўлишларига қарамай, ҳамшиша акалари, укаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашган. Мана шу каби қўллаб-қувватлашлар ака-укалар катта бўлгач, ёрқин намоён бўлар экан. Шу сабабли опаларимиздан, сингилларимиздан меҳрни дариг тутмайлик.

Бир ота-онадан бўлган фарзандларнинг байрамлари жуда кўп. Шулардан бири 1998 йилдан бери ҳар йили 10 апрелда нишонланадиган Ака-сингиллар, Опа-укалар (National Siblings Day) байрамидир. Бу кун америкалик Клаудия Эварт томонидан таклиф қилинган. У жуда эрта укаси ва сингилсидан ажралади, аммо қайғусини енгишда жамият учун фойдали бўлган таклиф билан чиқади. Шу тариқа Клаудиянинг вафот этган сингилсини туғилган — 10 апрель санаси ўз қадрдонларига меҳр-оқибат кўрсатиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Йилдан йилга бу байрамни нишонлашга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида яшовчи инсонлар кўшилмоқда. Шунингдек, 5 сентябрда “Жаҳон ака-сингиллар, опа укалар куни” ҳам нишонланади. Кўп-болали оилалар Европа конфедерацияси (ELFAC) таклифи-га биноан 31 майда Франция, Португалия, Испания ва Европанинг айрим мамлакатларида 2014 йилдан бери “Ака-сингиллар, опа-укалар куни” нишонланиб келинади.

Аслида қадрдонларимизни қандайдир сана муносабати билан эмас, балки ҳар куни эслашимиз, қадрлашимиз керак. Опа-сингилларимизни бир эслаб қўйсак зарар қилмасди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ



ҚИСКА САТРАЛДА УҚИНИ!

Республикага олиб кириладиган цементни эркин муомалага чиқаришни соддалаштирилган тартиб асосида амалга ошириш амалиёти қўлланади.

Беш йиллик айрилиқдан сўнг

Йигит самолёт трапидан тушибоқ атрофга аланглади. Атрофи баланд бетон девор билан гир ўралган, ҳудуди кета-кет-гунча чўзилган асфальт майдон - қўнимгоҳ. Атрофда милиция формасидаги назоратчилар сергак қузатиб туришибди.

— Юрмайсизми? — Ногоҳ йигитни орқа тарафидан келиб турган бўлди бақбақалари осилган, кўзларига ойнак таққан семиз аёл. Йигит унга ўтиб кетиш учун йўл бўшатди-ю, аммо ҳадеганда юравермади. Кўзларини хиёл юмиб, ҳаво симирди. Юзларида табассум ўйноқлади. Шу тобда унинг бу ҳолига гувоҳ бўлётган йўловчилар йигитни телбага чиқаришлари тайин эди. Бир-иккитлар ҳатто пичрлагандек ҳам бўлди:

— Томи кетганми, нима?

— Нега анқаяди?

Шивир-шивирлар йигитнинг қулоғига етди, аммо у

бунга парво ҳам қилмади. У Москвада беш йил яшаб, азбаройи қорни учун дўкондорнинг дўкониди ҳаммоллик қилиб юрганида бошлигидан илон эшитса пўст ташлайдиган совуқдан-совуқ гапларни эшитганида, ҳақоратларга қоришганида бу «чавақ» гаплар қулоғига етса, нима қипти? Мана, охир ҳамма хўрлигу хорликлардан халос бўлиб, она шаҳрига қайтиб келди-ку?

Йигит кўзларини очганида, қароғлари ёшга тўлганди. Бехос лаблари пичирлади:

— Шукр. Ватанни кўриш насиб этганига шукр.

Эски ҳовли

Қизча иккинчи синфга кўчаётган маҳалда қайси бир ташкилотга раҳбарлик қилаётган дадасининг иши чаппасига кетгач, ҳамма-ҳамма нарса ўзгариб кетди. Бутун бир оила ҳайҳотдек ҳовлини сотиб, шаҳар марказидаги икки хонали квартирага кўчиб ўтди. Қолган пулга қизчанинг дадаси дўкон очиб, уй-рўзғор буюмлари савдосини йўлга қўйди.

Қизалоқ ҳаёти ҳам буткул ўзгариб кетди. Янги уй, янги мактаб, таниш билишлари дўст-дугоналаргача янги бўлди. Ана шунда ичикдими, хаёлга бериладиган, синфда дарсда ўтириб ҳам хаёллари аллақачонларни кезадиган одат чиқарди. Аввалги уй ҳовли эмасми, дарвоза олдида тарвақайлаб ўсган катта ёнғоқ дарахти бор эди. Қизча ёз келди дегунча ташқарига чиқиб, ўғил болаларга қўшилиб олиб, ёнғоқ ўйнардиди. Ўйинда гоҳ ютарди, гоҳ ютқизарди. Деворлари тагидаги ёғоч харракчачи? Ўтириб олиб, оёқларини саланглатганча ўтган-кетган йўловчиларга кўз тикишни яхши кўрарди. Яна ариқ ҳам бор эди. Ундан оқадиган сув лойқа бўлса ҳам салқинлик уфуриб турарди. Баҳорда бу ариқнинг гирд-гир-

ди қизғалдоғу чучмомаларга тўлиб кетар, айниқса ялпиз гуж-гуж ўсиб, атрофга хушбўй ис таратар, ўтиб кетаётганлар бундан баҳра олмай қолишмасди.

Эндичи? Тўрт девор ичида қамалиб ўтиради. У ернинг ҳавоси дим. Кўчага чиқай деса, ким билан ўйнашни билмайди. Ҳали ҳаммадан бегонасирайди. Ҳар кун учинчи қаватга чиқиб тушгунча ҳам оёқларида жон қолмайди.

Бугун қизчанинг муаллимаси дарсда Ватан ҳақида билганларининг ёзинглар, деганида бир варақ оппоқ қозоғга «Эски ҳовлимиз» деб сарлавҳа қўйдию, кейин мустақил ёза кетди: «Ҳовлимизни соғиндим. Жуда соғиндим»

Умид АЛИ

Юрак безовта қилса

Тухумни чала пишириб. Сариги еб юрилса, юракни қувватлантиради.



Юраги сиқилиб хафақон дардига учраган киши узи-га ёқадиган хушбуй нарсалар атиргул, райхон, атир кабиларни ўзи билан бирга олиб юриши керак.

Иссиқ мижозли одам кашнични майдалаб еб юрса, юракка қувват беради.

Мол ёки қўй юрагини ҳил-ҳил қилиб пишириб ёки ёғ билан қовуриб, сирка қўшиб

ейилса. Юракка қувват беради, хафақон иллатини қувади.

Овқатланишда крахмал, сут маҳсулотлари, қанд-шакардан тийилиш ҳам бу касалликда фойда беради.

Бинафша ёғи, ширин олма-шарбати, ширин анор шарбати юракни қувватлантиради.

Капалакгулнинг гуллари-дан чой дамлаб ичиш ҳам юрак хасталигига даво.


Қуритилган кашнич, беҳи истеъмол қилиш, оқ атиргул хидлаш билан юракни қувватлантириш мумкин.

Кунига бир коса янги соғилган сигир сутини иссиғида ичилса, юракка куч бағишлайди.

Совуқ мижозли одамлар саккиз грамм, иссиқ мижозли одамлар эса икки граммдан седана еб юришса, юрак бухазурлигидан фориг бўлишади.

Бош оғриғида

Бош оғриғини йўқотиш учун оёқ-йишталикдан, узоқ фикрлашга барҳам



беришдан кўра яхши даво йўқ.

Бош оғриганда асло уқаламаслик керак, оғриқ босилса-да, кейинчалик зарар қилади. Бош оғриғида оёқ кафтини уқалаб, яхшилаб мушталаш фойда беради.

Бош оғриғининг турлари кўп: мижоз ўзгариши, шамоллаш, ўта диққат бўлиш, қаттиқ чарчаш, захарланиш, табиий таъсирлар ва бошқалардан бош оғриши мумкин.

Уни даволашда ана

шу омилларни ҳисобга олиш даркор.

Ёнғоқнинг тоза яшил пўстлогини янчиб, хина билан аралаштириб бошга суртилса, оғриқни қолдиришда ёрдам беради.

Мойчечак (ромашка) гулини сувда қайнатиб, чой каби ичиб юрилса ҳам бош оғриғида фойдаси тегади.

Мабодо бош оғриғи камқонликдан бўлса, олма, беҳи, узум ва бодомни қанд-шакар билан аралаштириб ейиш ва новвотли чой ичиш дардни енгиллаштиради.

Бедани сувда қайнатиб, суви истеъмол қилинса бош оғриғига шифодир.

Исмалоқ шарбатидан бир-икки ош қошиқ ичиб туриш миянинг лорсиллаб оғришидан халос қилади.

Буйрак хасталиклари давоси

Саримсоқни сувда ёки ўтда пишириб, турп уруғига қўшиб еган кишида буйрак тошидан асар ҳам қолмайди. Хом саримсоқ эса хаста буйракка зарар етказади.

Сийдиги томчилаб юрадиган киши чигирткани қовуриб еса бу дарддан фориг бўлади.

Сийдик юриши сустлашса, чилончийда есангиз сийдик йўларини тозалаб равонлаштиради.

Зулукни қуритиб, асал билан аралаштириб яланса буйракдаги тошларни майдалайди.

Петрушка уруғи нўхат ва асалдан истеъмол қилиб юрган кишининг қовуғи мустаҳкам бўлади.

Ошқовоқдан олинган шарбат буйрак хасталикларида даводир.

Саримсоқни сирка билан қўшиб ейилса, буйракдаги шишни даф қилади.

Ёнғоқ мағзи билан асалдан мураббо тайёрлаб еб юрилса

буйракни семиртиради

Оқ тут буйрак ёғини мустаҳкамлашда энг яхши даводир.

Узумнинг янги шарбати буйракдаги тошларни йўқотишда фойда беради.

Сигир сути, гуруч ва ёнғоқ мағзидан пиширилган ширгурунч буйрак ва баданни семиртиради.

Уруғи олинган майиз, балиқ кабоб, мош буйрак хасталикларида даводир.

Пишган узумни пўсти ва уруғидан тозалаб еб юрилса, буйрак ёғини кўпайтиради.

Кунига 7-8 грамм ялпизни эзиб, шакар ва асал аралаштириб ичилса, заифлашган буйракка шифо бўлади.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

Илмий-оммавий газети ■ 2006 йил 31 августдан ҳозиргача ■ www.bong.uz ■ jamiyat@bong.uz

Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ақтам Ҳайитов
Адхам Икромов


Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-714 Адади: 1151.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.ru
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА якуни:
Топширилган вақти: 16:25
1 2 3 4 5 6



Гамалеи марказида тайёрланаётган вакцина 15 августдан одамларга етказила бошлади.



BMB

Trade Group


жамоаси



*барча юртдошларимизни
улуғ байрам — Қурбон
ҳайити билан самимий
муборакбод этади.*

*— Ушбу айём
хонадонингизга тинчлик,
осойишталик, барака олиб
келсин. Қалбингиздаги барча
эзгу тилаклар амалга
ошсин.*

*Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин,
боғу роғларимиз,
далаларимиз файзу
баракотга буркансин!*



Осиё мамлакатлари миллий органларининг навбатдаги — 18 Минтақавий учрашуви бўлиб ўтди.